

Ойлик

Ойлик ижтимоий-маърифий журнал,
1435, Рамазон, 9-сон

Таровех намози
ҳақидаги фасл

Энг кўп рўза
тутган саҳобий

Болалар учун
рамазон



Muslimaat.uz

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!
Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи
ва барокатуҳ!

Раҳмат ва мағфират ойи бўлмиш Рамазонни бизларга насиб этган Аллоҳ субҳанаҳу ва таолога Ўзи рози бўладиган ҳамду санолар бўлсин!

Рўзадорнинг икки кувончи бор, биринчиси рўзасини очгандаги кувончи, иккинчиси эса Роббиси ҳузурига боргандагиси, деб марҳамат қилган Ҳабибимиз Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламга дурудун салавотлар бўлсин!

Қалбларимизни сурурга тўлдириб, Рамазони шариф кириб келди. Чунки ушбу муборак ойда санаб адоғига етиб бўлмас фазилатлар, дуолар қабул бўладиган ифтор вақти, Аллоҳ таолога қурбат ҳосил қилишга восита бўлувчи таровеҳ намозлари ва минг кечадан афзал бўлган Қадр кечаси бордир.

Ҳар бир мўмин банда бу муборак ойга етганда, гуноҳлардан тийилишга, кўпроқ савоб амалларни қилишга, атрофдагиларга ва яқинларига яхши муомалада бўлишга интилади. Чунки бу ойда қилинган ҳар бир ибодат ва солиҳ амалнинг даражаси бошқа ойлар-



ниқидан улуғдир.

Барчаларингизни хайр-барака ва илоҳий раҳмат ойи бўлган Моҳи Рамазон билан муборакбод этамиз! Ушбу ойда Ўзининг даргоҳида ҳусни мақбул бўладиган амалларни адо этиш, гуноҳлардан покланиш барчаларимизга насиб этсин! Омийн!

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокатуҳ!

*«Омина» электрон журналининг
хайъат аъзолари:*

*Одинахон Муҳаммад Юсуф
Дилафруз Юсупова
Дилором Ғозиева
Назокат Қосимова
Ирода Аҳмедова
Муяссар Қаямова
Гулнода Мўминова
Гўзал Дадамўхамедова
Барно Саидрахмон
Умму Билол
Умму Муҳаммад Билол*

*Техник муҳаррир: Ҳабибуллоҳ Болтаев
Дизайнер: Равшан Маликов*

muslimalar1@gmail.com

«Эй иймон келтирганлар! Сизлардан аввалгиларга фарз қилинганидек, сизларга ҳам рўза фарз қилинди. Шоядки, тақво қилсангиз».

Бу ояти каримани ҳам Аллоҳ таоло:

«Эй иймон келтирганлар!» деб, мўминларга маҳбуб нидо билан бошламоқда. Муҳим ва машаққатли ишни таклиф қилишдан олдин ўзи яхши кўрган ва унинг учун ҳар қандай машаққатни ҳам бўйнига олишга тайёр турган сифатни эслаб қилинган нидо эшитувчида бўлажак ишга ғайрат билан киришиш руҳини уйғотади. Аллоҳ таоло ҳам мусулмонларга рўзанинг фарзлигини амр этишдан олдин уларга:

«Эй иймон келтирганлар!» деб нидо қилмоқда.

Оятнинг маъносидан келиб чиқиб, рўза янги ибодат эмаслигини, балки барча динларда қадимдан бор ибодат эканини тушунамиз. Чунки унда:

«Сизлардан аввалгиларга фарз қилинганидек, сизларга ҳам рўза фарз қилинди», дейилмоқда.

Динлар тарихини ўрганиб чиққан уламоларнинг таъкидлашларича, барча динларда, ҳатто илоҳий бўлмаган динларда ҳам рўза ибодати бор экан. Лекин уни адо этиш турлича бўлган. Баъзи динларда маълум овқатлардангина ўзини тийиб юриш рўза деб тушунилади. Мисол учун, насороларда ҳайвондан чиққан озуқа маҳсулотларидан ўзини тийиб юриш рўза дейилади. Улардаги рўзанинг муддати қирқ кун бўлади. Насронийларнинг турли мазҳабларида рўза турлича бўлади.

Ислондаги рўза ҳақиқий илоҳий маънони касб этган ибодатдир. Рўза араб тилида «савм» дейилиб, луғатда «ўзини тийиш» деган маънони билдиради. Шариатда эса Рамазон ойида тонг отгандан куёш ботгунча ният билан, ейиш-ичишдан ва шахвоний амаллардан ўзини тийиб туришга айтилади. Ояти кариманинг сўнгида Аллоҳ таоло:

«Шоядки, тақво қилсангиз», деб, рўзадан кўзланган асосий мақсадни ҳам баён қилиб қўймоқда. Демак, рўза ҳам тақво йўлларида биттаси экан. Рўза тутган шахснинг қалбида тақво руҳи уйғониши керак. Агар ким рўза тутса-ю, қалбида тақво ҳисси уйғонмаса, у одам ҳақиқий рўза тутмаган бўлади. Рўза ҳавойи нафснинг ноўрин кўзғалишларини йўлга солишга, тўғрилашга, шахватни жиловлашга, қорин талабларини ҳам изга солишга хизмат қилади. Рўза нафс балосидан қутулиб, Аллоҳнинг тоатига холис ажраб чиқишга ёрдам беради. Ким-

ки иймон ва эътикод билан рўза тутса, Аллоҳ таоло ўша бандани «тақво» деб номланувчи икки дунё саодатига элтувчи бахтга муяссар қилади.

Бу ояти каримада рўза фарз қилинганлигининг хабари келди. Аввалги умматларда йил бўйи, ярим йил рўза тутишлар ҳам бўлгани учун эшитувчида «Рўзанинг муддати қанча?» деган савол туғилади. Келаси оят шу саволга жавоб беради:

Келаси оят шу саволга жавоб беради:

«Санокли кунларда. Сизлардан ким бемор ёки сафарда бўлса, бас, саноғи бошқа кунлардан. Уни қийналиб тутадиганлар зиммасида бир мискин таомича фидя бордир. Ким яхшиликни ўз ихтиёри ила қилса, бу ўзи учун яхшидир. Агар билсангиз, рўза тутмоғингиз сиз учун яхшидир».

Яъни рўза фарз қилинган кунлар «санокли кунлар»дир. Рўза тутишнинг ўзига яраша машаққати бор. Шунинг учун Аллоҳ таоло беморлик ва мусофирлик туфайли бир оз қийинчиликда турган бандаларига машаққат устига машаққат бўлмасин деб, энгиллик берди:

«Сизлардан ким бемор ёки сафарда бўлса, бас, саноғи бошқа кунлардан».

Яъни бемор тузалганидан сўнг, мусофир сафардан қайтганидан сўнг неча кунни тутмаган бўлса, ўшанча кун қазо рўза тутади. Уламоларимиз беморлар сафига ҳомиладор ва эмизадиган аёлларни ҳам қўшганлар. Ҳомиладор аёл неча кун рўза тутмаган бўлса, тукқанидан кейин шунча кун қазо рўза тутади. Эмизадиган аёл ҳам боласини кўкракдан ажратганидан сўнг қазо рўза тутади.

«Уни қийналиб тутадиганлар зиммасида бир мискин таомича фидя бордир».

Яъни ёшлари улуғ бўлиб, рўза тутишга ярамай қолган кишилар тутилмаган ҳар бир кунлик рўза ўрнига бир мискинни тўйдирадилар. Бу эса ўзи яшаб турган диёрнинг ўртача таоми ҳисобида бўлади. Буни «фидя бериш» дейилади.

Уламоларимиз ушбу тоифага тузалмайдиган, сурункали касали бор кишиларни ҳам қўшганлар. Уларнинг касаллари рўза тутишга қўймайди. Қазосини тутади, дейилса, тузалишларидан умид йўқ.

«Ким яхшиликни ўз ихтиёри ила қилса, бу ўзи учун яхшидир».

Ким савобни кўпроқ оламан, деб бир кишига эмас, икки-уч кишига ёки ўртача эмас, олий даражадаги таомларни берса, ўзи учун яхшидир.

«Агар билсангиз, рўза тутмоғингиз сиз учун яхшидир».

Бошқа ибодатлар каби, рўза ҳам, аввало, бу ибодатни адо этувчи шахсларга яхшилик келтиради. Жаннатга кириш, олий мақомларга эришиш, ироданинг кучли бўлиши, раҳм-шафқат сифатининг кучайиши, тақво ҳиссининг уйғониши, соғлик ва саломатлик ҳамда бошқа кўплаб биз билган-билмаган яхшиликларга рўза тутиш орқали эришилади.

Келгуси оятда юқорида зикр қилинган «санокли кунлар»нинг вақти тайин қилинади ва ўша вақтнинг фазли ҳамда рўзанинг бошқа ҳукмлари баён этилади.

«Рамазон ойи – унда одамларга ҳидоят ҳамда ҳидоят фуққондан иборат очик-ойдин хужжатлар бўлиб, Қуръон нозил қилинган. Сизлардан ким бу ойда ҳозир бўлса, рўзасини тутсин. Ва сизлардан ким бемор ёки сафарда бўлса, бас, саноғи бошқа кунлардан. Аллоҳ сизларга осонликни ирода қилади ва сизларга қийинликни ирода қилмайди. Санокни мукамал қилишингиз ва сизни ҳидоятга бошлаган Аллоҳни улуғлашингиз учун. Шоядки, шукр қилсангиз».

Аввалги оятда рўза «санокли кунлар» фарз қилингани айтилган эди, бу оятда ўша «санокли кунлар» Рамазон ойи экани баён қилиняпти. Айни чоғда, Рамазон ойининг фазли ҳам зикр этиляпти.

«Рамазон ойи – унда одамларга ҳидоят ҳамда ҳидоят фуққондан иборат очик-ойдин хужжатлар бўлиб, Қуръон нозил қилинган».

Рамазон ойи йил ичидаги энг афзал ой ҳисобланади. Унинг фазли ҳақида кўплаб ҳадиси шарифлар, улуғ уламоларнинг сўзлари, мадҳлар, шеърлар айтилган, китоблар битилган. Лекин бу ҳақдаги таърифларнинг гултожи Роббул Оламиннинг Ўз каломида айтган мадҳидир. Бу мадҳ турли оятларда келган. Ушбу оятдаги таъриф Рамазони шарифнинг энг улкан фазилатлари ҳақидадир. Яъни:

«...унда одамларга ҳидоят ҳамда ҳидоят фуққондан иборат очик-ойдин хужжатлар бўлиб, Қуръон нозил қилинган».

Аллоҳ таоло Ўзининг абадий мўъжизаси, қиёматгача инсониятга ҳидоят бўладиган китоби – Қуръони Каримни нозил қилиш вақти қилиб Рамазони шариф ойини ихтиёр қилганининг ўзи бу ойнинг фазилатини юксакка кўтарган. Энди эса нур устига нур, фазилат устига фазилат қўшиб, рўза ибодатини ҳам шу Рамазон ойида тутишни фарз қилмоқда.

«Сизлардан ким бу ойда ҳозир бўлса, рўзасини тутсин».

Ким ушбу Рамазон ойига соғ-саломат етса, Рамазоннинг янги ойи шоҳиди бўлса ёки Рамазон ойи бошланганининг хабари унга етса, рўзасини тутсин. Бу фармон умумийдир, лекин одамларда «Янги, умумий фармон бўлди, ким бўлишидан қатъи назар, ҳамма рўза тутиши фарз экан» деган фикр пайдо бўлмасин учун ушбу ҳукмдан истисно қилинганлар яна бир бор зикр этилмоқда:

«Ва сизлардан ким бемор ёки сафарда бўлса, бас, саноғи бошқа кунлардан».

Сўнгра рўза тутиш фарзига муҳаббатни ошириш учун:

«Аллоҳ сизларга осонликни ирода қилади ва сизларга қийинликни ирода қилмайди», дейди.

Доимо бандаларга энгилликни хоҳлаш ва уларни оғир машаққатли таклиф остида қолдирмаслик Ислом динининг асосий ва улкан қоидасидир. Ислом шариати осонликка бино қилинган. Набий алайҳиссалом саҳобалардан Муъоз ибн Жабал ва Абу Мусо Ашъарий розияллоху анҳумоларни Яманга юбораётиб, «Башоратли сўзлар айтинглари, нафрат кўзгатадиганини айтманглари, энгиллаштиринглари, қийинлаштирманглари», деганлар.

Ушбу рўза тутиш ибодатида ҳам Аллоҳ таоло энгиллик йўлини тутганини эслатмоқда. «Рўза тутиш ҳаммага фарз», деса, Аллоҳнинг ҳаққи бор, ҳеч ким эътироз билдира олмайди. Аммо У меҳрибон Зот



«Бемор ва мусофирлар ўз вақтида тутмасалар майли, кейин тутиб берадилар», деди.

Шунингдек, муддатни бир ой эмас, икки, уч, балки ундан ҳам кўпроқ ойларни фарз қилса бўларди. Бир ойнигина фарз қилиши ҳам енгилликдандир.

Аллоҳ таоло амр қилган ибодатни сўзсиз бажариш ҳар бир банданинг бурчидир. «Нима учун? Фойдаси борми? Бўлса, нимада?» каби саволларни беришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Лекин шундай бўлса ҳам, баъзан иймон қувватланиши учун, илоҳий фармонларнинг мўъжизакорлигини тасдиқлаш учун баъзи маълумотлар зикр қилинади.

Қуръон, Ислому, рўза каби ҳақиқатлардан беҳабар ёки хабардор бўлса ҳам, бу ҳақиқатларни қайсарлик ила тан олмай келаётган ҳатто ғайридин тиб олимлари ҳам узоқ илмий изланишлари, тажрибалари давомида динимиз буюрган амалларнинг инсон ҳаёти учун нақадар фойда эканини билвосита тасдиқламоқдалар. Жумладан, улар ҳар бир инсон соғ-саломат бўлиши учун бир йилда ҳеч бўлмаса, бир ой ихтиёр оч қолиши керак, деган хулосага келдилар.

Узр сабабли рўза тута олмаганлар ажру савобдан бебаҳра қолмасинлар деб, Аллоҳ таоло рўзанинг қазосини тутишни жорий қилди. Рўза тутиш ибодати Аллоҳни улуғлаш, У Зотга шукр келтиришга арзийдиган ибодатдир.

«Санокни мукамал қилишингиз ва сизни ҳидоятга бошлаган Аллоҳни улуғлашингиз учун. Шоядки, шукр қилсангиз».

Ҳа, Ислолдаги ибодатларни фарз қилиб, бандалик бурчини адо этишга, гуноҳларни ювишга, ажр-савоб олишга шароит яратиб берган Аллоҳ таолони тинмай улуғлаб, Унга доимо шукр қилиш керак. Ҳар бир фарз ибодат бандада Аллоҳ бошлаган ҳидоятнинг қадрига етиш ҳиссини кучайтириши керак.

Келаси оятда гап дуо ҳақида кетади. Кейин яна рўза ҳақида давом этади. Буни уламоларимиз, рўза ойида, унинг охирида кўпроқ дуо билан машғул бўлишга ишора, деб тушунганлар:

«Қачон бандаларим сендан Мен ҳақимда сўрасалар, бас, албатта, Мен яқиндирман. Дуо қилувчи Менга дуо қилганда, дуосини ижобат қилурман. Бас, Менга ижобат қилсинлар ва Менга иймон келтирсинлар. Шоядки, тўғри йўлни топсалар».

Ибн Аби Ҳотим ривоят қилишларича, бир аъробий (сахролик араб) келиб:

«Эй Аллоҳнинг Расули, Роббимиз яқинми, муножот қилсак ёки узоқми, нидо қилсак?!» деганида, Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом сукут

сақлаб туриб қолганлар. Шунда Аллоҳ таоло: «Қачон бандаларим сендан Мен ҳақимда сўрасалар» оятини нозил қилган экан.

Бу оятда Аллоҳ таоло Ўз бандаларига яқин эканини баён қилмоқда. Ҳадис имомлари Абу Мусо Ашъарий розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадиси шарифда ҳам шу маъно бор. У киши айтадилар:

«Пайғамбар алайҳиссалоту вассалом билан ғазотда эдик. Тепаликка чиқсак ҳам, пастликка тушсак ҳам, баланд овоз билан такбир айтиб борар эдик. У зот бизга яқинлашиб келдилар-да:

«Эй одамлар, ўзингизга раҳм қилинг. Сиз карга ёки ғойибга дуо қилаётганингиз йўқ, балки эшитувчи, кўрувчи Зотга дуо қиляпсиз. Сиз дуо қилаётган Зот сизга минган уловингизнинг бўйнидан ҳам яқин», дедилар».

Мулоҳаза қилинса, оятда бандалар Расулуллоҳ алайҳиссалоту вассаломнинг олдиларига келиб, Аллоҳ таоло ҳақида сўраяптилар.

«Қачон бандаларим сендан Мен ҳақимда сўрасалар, бас, албатта, Мен яқиндирман».

Жавоб эса бевосита Аллоҳдан бандаларига бўлмоқда. Одатдагидек, «Уларга айт», деб Набий алайҳиссаломни восита қилмаяпти. Шу нозик нуқта ҳам Аллоҳнинг Ўз бандаларига яқин турганлигини кўрсатади. Худди шу маъно кейинги жумлада ҳам бор:

«Дуо қилувчи Менга дуо қилганда, дуосини ижобат қилурман».

«Дуосини эшитаман, ҳисобга оламан», эмас, «ижобат қиламан», деяпти. Бу ҳам бандаларни Аллоҳга кўпроқ дуо қилишга қизиқтиради. Аллоҳ таоло томонидан шундай яқинлик, хозиржавоблик бўлиб турганда, бандадан ҳам шунга яраша ҳаракат бўлиши керак. Улар ҳам Аллоҳнинг чақириғига «лаббай» деб жавоб бериб, Унга иймон келтириб, итоат қилмоқлари лозим:

«Бас, Менга ижобат қилсинлар ва Менга иймон келтирсинлар».

Бандалар ижобат қилиб, иймон келтирсалар, кимга фойда бўлади? Баъзи ҳолларда одамлар буни тўғри тушуна олмай қоладилар. Аллоҳ таоло ушбу оятда Аллоҳнинг даъватига истижобат қилиш, иймонга келиш банданинг ўзига фойда келтиришини таъкидлайди:

«Шоядки, тўғри йўлни топсалар».

Ҳожатларнинг барчасини Аллоҳ таолодан сўраш, Унга ҳамиша илтижода бўлиш мўмин банданинг доимий ишига айланиши керак. Дуо ибодатларнинг мағизи ҳисобланади. Набий алайҳиссаломдан дуо ҳақида кўплаб ҳадислар келган.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал Абу Саъийд розиялло-
ху анҳудан ривоят қилган ҳадисда у зот:

«Мусулмон одам гуноҳ ва қариндошларига ёмон-
лик қилмай туриб дуо қилса, унга Аллоҳ уч ҳислат-
дан бирини беради: сўраган нарсасини тезда беради.
Ёки охиратга сақлаб қўяди. Ёки сўралган нарса миқ-
доридаги ёмонликни ундан қайтаради», деганлар.

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоху анҳудан имом
Аҳмад ривоят қиладиларки, Набий алайҳиссалом:

«Қалблар идишга ўхшайди. Баъзилари баъзисидан
кўпроқ жойлаштиради. Агар Аллоҳдан бирор нарса
сўрайдиган бўлсангиз, ижобат бўлишига қаттиқ ишо-
ниб сўранг. Ғофил қалб билан дуо қилган банданинг
дуосини Аллоҳ қабул қилмайди», дедилар.

Имом Бухорий Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан
ривоят қилган ҳадисда Набий алайҳиссалом:

«Агар банда шошилмаса, дуоси ижобат бўлади.
«Дуо қилдим, қабул бўлмади», демасин», деганлар.

Дуонинг қабул бўлиши учун шартлар, одоблар,
махсус вақтлар бор. Хусусан, рўза тутган кишининг
дуоси мақбулдир.

Имом Абу Довуд Абдуллоҳ ибн Умар розиялло-
ху анҳудан ривоят қилган ҳадисда Набий алайҳис-
салом:

«Рўза тутувчига ифтори пайтида ижобат бўлади-
ган дуо бор», деганлар.

Шу ерда яна рўза ҳукмларини баён қилувчи оят-
га қайтилади:

**«Сизларга рўза кечасида хотинларингизга
яқинлик қилиш ҳалол қилинди. Улар сизга ли-
босдир, сиз уларга либосдирсиз. Аллоҳ ўзингиз-
га хиёнат қилаётганингизни билди, тавбангизни
қабул қилди ва сизларни афв этди. Энди уларга
яқинлашаверинг ва Аллоҳ сизга ёзган нарсани
талаб қилинг. Тонг пайтида сизга оқ ип қора
ипдан ойдинлашгунча еб-ичаверинг. Сўнгра рў-
зани кечасигача батамом қилинг. Масжидларда
эътикофдалигингизда уларга яқинлик қилманг.
Ушбулар Аллоҳнинг чегараларидир, унга яқин-
лашманг. Аллоҳ одамларга Ўз оятларини ана
шундай баён этадир. Шоядки, тақво қилсалар».**

Рўза тутиш янги фарз қилинган даврда ифтор-
дан кейин рўза тутган одам ухлаб қолса-ю, кейин
уйғонса, унга емоқ, ичмоқ ва хотинига яқинлик
қилмоқ мумкин бўлмай қолар эди. Ансорийлардан
Қайс ибн Сарма исмли киши кундузи рўза тутиб,
хурмо боғида ишлаб, чарчаб, ифтор пайтида хоти-
нининг хузурига келиб:

– Таоминг борми? – дебди. Хотини:

– Йўқ, ҳозир бориб, бирон нарса топиб келаман,
– деб чиқиб кетибди. Кундузи ишлагани учун Қайс
чарчаб, ухлаб қолибди. Хотини келиб, эрининг ух-



лаб ётганини кўриб, «Шўринг курисин», дебди-ю, уйғотмабди. Эртасига куннинг ярмида Қайс розияллоху анху хушидан кетиб йиқилибди. Бу ҳодиса Набий алайҳиссаломга етибди. Сўнгра Аллоҳ таоло:

«Сизларга рўза кечасида хотинларингизга яқинлик қилиш ҳалол қилинди» деб бошланувчи оятини нозил қилди. Шу билан рўза кечасида, яъни кун ботгандан кейин, то тонг отгунча муддат орасида таом ейиш ва аёлига яқинлик қилиш ҳалол қилинди. Шу билан бирга, Аллоҳ Исломда эркак киши билан унинг хотинининг алоқаси фақат жинс масаласи эмас, балки ундан анча катта масала эканини англатиш учун

«Улар сизга либосдир, сиз уларга либосдир-сиз», деди.

Одатда либос баданни тўсиш, уни иссиқ-совуқдан, чанг-ғуборлардан сақлаш ҳамда зийнат учун ишлатилади. Шунингдек, Исломда эру хотин бир-бирларининг айбларини тўсадилар, бир-бирларини ёмонликдан сақлайдилар ва бир-бирларини зийнатлайдилар.

Кейин эса бандаларининг кўнглида нима кечаётганини ҳам билиб туришининг хабарини беради:

«Аллоҳ ўзингизга хиёнат қилаётганингизни билди, тавбангизни қабул қилди ва сизларни афв этди».

Ушбу жумлада зикр этилган «хиёнат» рўза кечасида кўнгилдан ўтган аёлга яқинлик қилиш ҳақидаги истакдан иборат. Айрим ривоятларда келишича, баъзилар бу ишни қилган эканлар. Нима бўлса ҳам, Аллоҳ уларнинг тавбасини қабул қилиб, гуноҳларини афв этди. Шу билан бирга, кўнгилларидан ўтган истакка йўл очди, рухсат берди:

«Энди уларга яқинлашаверинг ва Аллоҳ сизга ёзган нарсани талаб қилинг».

Яъни «Энди рухсат бўлди. Сиз хотинларингизга яқинлик қилиб, Аллоҳ ёзган нарсани – фарзандни талаб қилинг».

Аллоҳ таоло рўза кечасида аёлларга яқинлик қилишга рухсат бериш билан бирга, еб-ичишга ҳам рухсат берди:

«Тонг пайтида сизга оқ ип қора ипдан ойдинлашгунча еб-ичаверинг».

Имом Бухорий Адий ибн Хотимдан ривоят қилдиларки, у киши:

«Тонг пайтида сизга оқ ип қора ипдан ойдинлашгунча еб-ичаверинг» деган оят нозил бўлганда, битта оқ, битта қора ипни олдим-да, ёстиғимнинг остига қўйдим. Уларга қараб-қараб туриб, оқи қора-

сидан аён бўлганда, оғзимни беркитдим. Тонг отиб, кундузи бўлганда, Расулulloҳнинг хузурларига бориб, қилган ишимни айтиб бердим. У киши:

«Ундай бўлса, ёстиғинг кенг экан-да, у гап кундузнинг оқи билан кечанинг қораси ҳақида эди», дедилар».

Бу пайт фажри содиқ дейилади ва ёруғликнинг уфқда тарқалишини билдиради.

Келаси жумлада хотинига яқинлик истисно қилинган ҳолат зикр этилади:

«Масжидларда эътикофдалигингизда уларга яқинлик қилманг».

«Эътикоф» сўзи «бир нарсани лозим тутиш» маъносини билдиради. Шариатда эса Аллоҳга яқинлик ҳосил қилиш ниятида масжидда ибодатни лозим тутишга айтилади. Пайғамбаримиз алайҳиссолату вассалом Рамазони шарифнинг охирги ўн кунлигида эътикоф ўтирар эдилар. Эътикоф ўтирган одам иложи борича масжиддан чикмай, ибодат билан машғул бўлади. Бунда банда Аллоҳ учун ҳамма нарсадан ажраб чиқади. Шунинг учун аёлларга яқинлик қилишдан ҳам ўзини тияди.

«Ушбулар Аллоҳнинг чегараларидир, унга яқинлашманг».

Ушбу зикр қилинган нарсаларнинг барчаси Аллоҳ таолога боғлиқ нарсалар, Унинг чегараларидир. Аллоҳ уларга яқинлашмасликка буюрмоқда, чунки чегарага қанча яқинлашилса, чегарани бузиш эҳтимоли шунча кўпаяди.

«Аллоҳ одамларга Ўз оятларини ана шундай баён этадир. Шоядки, тақво қилсалар».

Эътибор берадиган бўлсак, рўза ҳақидаги оятлар мажмуасининг биринчисида ҳам тақвога урғу берилган эди. Энди мана шу охирги оятда ҳам тақвога урғу берилмоқда. Ҳа, рўзанинг сон-саноксиз фойдалари ичида унинг рўзадорда тақво ҳиссини мустаҳкамлаши биринчи ўринда туради

*Бақара сураси, 183-187-оятлар.
«Тафсири Ҳилол»дан олинди.*

РЎЗА КИТОБИ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Аллоҳ таоло рамазон рўзасининг фарзлиги ҳақида шундай марҳамат қилади:

﴿يَأْتِيهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا كُنِبَ عَلَيْكُمْ الصِّيَامُ كَمَا كُنِبَ عَلَى الَّذِينَ مِن قَبْلِكُمْ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ﴾

«Эй иймон келтирганлар! Сизлардан аввалгиларга фарз қилинганидек, сизларга ҳам рўза фарз қилинди. Шоядки, тақво қилсангиз», (Бақара сураси, 183-оят).

عَنْ طَلْحَةَ بْنِ عُبَيْدِ اللَّهِ: أَنَّ أَعْرَابِيًّا جَاءَ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ ﷺ تَائِرَ الرَّأْسِ فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، أَخْبِرْنِي مَاذَا فَرَضَ اللَّهُ عَلَيَّ مِنَ الصَّلَاةِ؟ فَقَالَ: «الصَّلَوَاتُ الْخَمْسَ، إِلَّا أَنْ تَطْوَعَ شَيْئًا». فَقَالَ: أَخْبِرْنِي مَا فَرَضَ اللَّهُ عَلَيَّ مِنَ الصِّيَامِ؟ فَقَالَ: «شَهْرَ رَمَضَانَ، إِلَّا أَنْ تَطْوَعَ شَيْئًا». فَقَالَ: أَخْبِرْنِي بِمَا فَرَضَ اللَّهُ عَلَيَّ

مِنَ الزَّكَاةِ؟ فَقَالَ: فَأَخْبَرَهُ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ شَرَائِعَ الْإِسْلَامِ. قَالَ: وَالَّذِي أَكْرَمَكَ لَا أَتَطْوَعُ شَيْئًا، وَلَا أَنْقُصُ مِمَّا فَرَضَ اللَّهُ عَلَيَّ شَيْئًا. فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ «أَفْلَحَ إِنْ صَدَقَ أَوْ دَخَلَ الْجَنَّةَ إِنْ صَدَقَ».

Толҳа ибн Убайдуллоҳ розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Бир аъробий сочлари тўзиган ҳолда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг олдиларига келиб: «Эй Аллоҳнинг Расули! Аллоҳ менга намоздан нимани фарз қилганини айтиб беринг!» деди. Шунда у зот: «Беш маҳал намозни, фақат ўз ихтиёринг билан бирор нарса қилишинг (мумкин)»,* дедилар. У: «Аллоҳ менга рўзадан нимани фарз қилганини айтиб беринг!» деди. У зот: «Рамазон ойиникини, фақат ўз ихтиёринг билан бирор нарса қилишинг (мумкин)», дедилар. У: «Аллоҳ менга закотдан нимани фарз қилганини айтиб

رمضان

беринг!» деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга Ислом қонун-қоидаларини айтиб бердилар. У: «Сизни мукаррам қилган Зотга қасамки, ўз ихтиёрим билан бирор нарса қилмайман ҳам, Аллоҳ менга фарз қилган нарсалардан ҳеч нарсани камайтирмайман ҳам», деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар гапида турса, нажот топди [ёки агар гапида турса, жаннатга кирди]», дедилар.

Изоҳ: «...фақат ўз ихтиёринг билан бирор нарса қилишинг (мумкин)», деган жумлани бироз мубҳамроқ таржима қилинишининг сабаби – бу иборани икки хил тушуниш мумкин: а) «...фақат ўз ихтиёринг билан бирор нарса қилишинг (мумкин), у ҳолда ўша бошлаган ибодатинг ҳам сенга вожиб бўлади». Ҳанафий ва моликий мазҳаби уламолари шу маънони танлашган ва буни нафл ибодатни бошлаб, кейин бузиб юборган киши уни қазо қилиши вожиблигига далил қилишган; б) «...фақат ўз ихтиёринг билан бирор нарса қилишинг (мумкин), бу ҳам жоиз». Шофеъий ва ҳанбалий мазҳаби уламолари ушбу маънони олдинга суришган.

عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: صَامَ النَّبِيُّ ﷺ عَاشُورَاءَ، وَأَمَرَ بِصِيَامِهِ. فَلَمَّا فُرِضَ رَمَضَانُ تَرَكَ. وَكَانَ عَبْدُ اللَّهِ لَا يَصُومُهُ إِلَّا أَنْ يُوَافِقَ صَوْمَهُ.

Ибн Умар розияллоҳу анхумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Ашуро куни рўза тутар ва унинг рўзасини тутишга буюрар эдилар. Рамазон (рўзаси) фарз қилинган, у тарк қилинди».

(Ровийлардан бири Нофеъ дейди:) «Абдуллоҳ унинг (Ашуронинг) рўзасини ўз рўзасига мувофиқ келиб қолсагина тутар эди».

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا: أَنَّ قُرَيْشًا كَانَتْ تَصُومُ يَوْمَ عَاشُورَاءَ فِي الْجَاهِلِيَّةِ، ثُمَّ أَمَرَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ بِصِيَامِهِ حَتَّى فُرِضَ رَمَضَانُ، وَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ «مَنْ شَاءَ فَلْيَصُمْهُ، وَمَنْ شَاءَ أَفْطَرَ».

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Қурайш жоҳилиятда Ашуро куни рўза тутарди. Кейин Рамазон (рўзаси) фарз қилинган Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам унинг рўзасини тутишга буюрдилар. Сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Уни хоҳлаган киши тутсин, хоҳлаган киши тутмасин», дедилар».

РЎЗАНИНГ ФАЗЛИ ҲАҚИДА

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ قَالَ: «الصِّيَامُ جُنَّةٌ، فَلَا يَرُفْتُ وَلَا يَجْهَلُ، وَإِنْ أَمْرٌ قَاتَلَهُ أَوْ شَاتَمَهُ فَلْيَقُلْ إِنِّي صَائِمٌ. مَرَّتَيْنِ، وَالَّذِي نَفْسِي بِيَدِهِ لَخُلُوفُ فَمِ الصَّائِمِ أَطْيَبُ عِنْدَ اللَّهِ تَعَالَى مِنْ رِيحِ الْمَسْكَ، يَتْرُكُ طَعَامَهُ وَشَرَابَهُ وَشَهْوَتَهُ مِنْ أَجْلِ الصِّيَامِ لِي، وَأَنَا أَجْزِي بِهِ، وَالْحَسَنَةُ بِعَشْرِ أَمْثَالِهَا».

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Рўза қалқондир. (Рўзадор) фахш сўз айтмасин, жоҳиллик ҳам қилмасин. Агар бирор киши у билан уришмоқчи ёки сўкишмоқчи бўлса, икки марта «Мен рўзадорман», десин. Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, албатта, рўзадорнинг оғзидан келган ҳид Аллоҳ таолонинг наздида мушкнинг бўйидан яхшироқдир».

(Аллоҳ таоло айтади:) «(Бандам) таоми, ичимлиги ва шахватини Мени деб тарк қилади. Рўза Мен учундир ва унинг мукофотини Ўзим бераман. Бир яхшиликка унинг ўн баробари бор».

РЎЗА КАФФОРАТДИР

عَنْ حُدَيْفَةَ قَالَ: قَالَ عُمَرُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ مَنْ يَحْفَظُ حَدِيثًا عَنِ النَّبِيِّ ﷺ فِي الْفِتْنَةِ؟ قَالَ حُدَيْفَةُ أَنَا سَمِعْتُهُ يَقُولُ: «فِتْنَةُ الرَّجُلِ فِي أَهْلِهِ وَمَالِهِ وَجَارِهِ تَكْفِيرُهَا الصَّلَاةُ وَالصِّيَامُ وَالصَّدَقَةُ». قَالَ: لَيْسَ أَسْأَلُ عَنْ ذِهِ، إِنَّمَا أَسْأَلُ عَنِ الَّتِي تَمُوجُ كَمَا يَمُوجُ الْبَحْرُ. قَالَ: وَإِنَّ دُونَ ذَلِكَ بَابًا مُغْلَقًا. قَالَ: فَيُفْتَحُ أَوْ يُكْسَرُ؟ قَالَ: يُكْسَرُ. قَالَ: ذَلِكَ أَجْدَرُ أَنْ لَا يُغْلَقَ إِلَى يَوْمِ الْقِيَامَةِ. فَقُلْنَا لِمَسْرُوقٍ:

سَلُهُ، أَكَانَ عُمَرُ يَعْلَمُ مِنَ الْبَابِ؟ فَسَأَلَهُ فَقَالَ: نَعَمْ، كَمَا يَعْلَمُ أَنَّ دُونَ غَدِ اللَّيْلَةِ.

Абу Воилдан ривоят қилинади:

«Хузайфа бундай деди: «Умар розияллоху анху: «Ким Набий соллаллоху алайҳи васалламдан фитна ҳақида бирон ҳадисни ёд олган?» деди. Хузайфа: «Мен у зотнинг «**Кишининг фитнага учраши ўз аҳли, моли ва қўшниси сабабли бўлади. Уни намоз, рўза, садақа ўчиради**», деяётганларини эшитганман», деди.

(Умар): «Мен бу ҳақда сўраётганим йўқ. Мен денгиз мавж урганидек мавж урадигани ҳақидагина сўраяпман», деди. «Унинг олдида ёпиқ эшик бор», деди. (Умар) «У очиладими ёки синдириладими?» деди. «Синдирилади», деди. (Умар) «Мана шу Қиёмат кунигача ёпилмасликка лойиқдир!» деди».

Биз Масрукка: «Ундан (Хузайфадан) сўра-чи, Умар эшик ким эканини билармиди?» деган эдик, у сўради. Шунда (Хузайфа): «Ҳа, худди тонгдан олдин тун бўлишини билгандек», деди».

РАЙЙОН РЎЗАДОРЛАР УЧУНДИР

عَنْ سَهْلِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «إِنَّ فِي الْجَنَّةِ بَابًا يُقَالُ لَهُ الرَّيَّانُ، يَدْخُلُ مِنْهُ الصَّائِمُونَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ، لَا يَدْخُلُ مِنْهُ أَحَدٌ غَيْرُهُمْ، يُقَالُ أَيْنَ الصَّائِمُونَ؟ فَيَقُومُونَ، لَا يَدْخُلُ مِنْهُ أَحَدٌ غَيْرُهُمْ، فَإِذَا دَخَلُوا أُغْلِقَ، فَلَمْ يَدْخُلْ مِنْهُ أَحَدٌ».

Саҳл розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «**Жаннатда бир эшик бор. У «Раййон» дейилади. Қиёмат куни ундан рўзадорлар киришади, улардан бошқа ҳеч ким ундан кирмайди. «Рўзадорлар қани?» дейилади. Шунда улар туришади. Улардан бошқа ҳеч ким ундан кирмайди. Улар киргач, у беркитилади. Кейин ундан ҳеч ким кирмайди**», дедилар».


عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ ﷺ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ قَالَ: «مَنْ أَنْفَقَ زَوْجَيْنِ فِي سَبِيلِ اللَّهِ نُودِيَ مِنْ أَبْوَابِ الْجَنَّةِ يَا عَبْدَ اللَّهِ، هَذَا خَيْرٌ. فَمَنْ كَانَ مِنْ أَهْلِ الصَّلَاةِ دُعِيَ مِنْ بَابِ الصَّلَاةِ، وَمَنْ كَانَ مِنْ أَهْلِ الْجِهَادِ دُعِيَ مِنْ بَابِ الْجِهَادِ، وَمَنْ كَانَ مِنْ أَهْلِ الصِّيَامِ

دُعِيَ مِنْ بَابِ الرَّيَّانِ، وَمَنْ كَانَ مِنْ أَهْلِ الصَّدَقَةِ دُعِيَ مِنْ بَابِ الصَّدَقَةِ». فَقَالَ أَبُو بَكْرٍ ﷺ يَا رَسُولَ اللَّهِ، مَا عَلَيَّ مِنْ دُعِيٍّ مِنْ تِلْكَ الْأَبْوَابِ مِنْ ضَرُورَةٍ، فَهَلْ يُدْعَى أَحَدٌ مِنْ تِلْكَ الْأَبْوَابِ كُلِّهَا؟ قَالَ: «نَعَمْ، وَأَرْجُو أَنْ تَكُونَ مِنْهُمْ».

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам: «**Ким Аллоҳнинг йўлида бир жуфт нарса нафақа қилса, унга жаннат эшикларидан: «Эй Аллоҳнинг бандаси, бу яхшиликдир», дея нидо қилинади. Ким намоз аҳлидан бўлса, намоз эшигидан чақирилади. Ким жиҳод аҳлидан бўлса, жиҳод эшигидан чақирилади. Ким рўза аҳлидан бўлса, Раййон эшигидан чақирилади. Ким садақа аҳлидан бўлса, садақа эшигидан чақирилади**», дедилар.

Шунда Абу Бакр розияллоху анху: «Ота-онам сизга фидо бўлсин, эй Аллоҳнинг Расули! Ўша эшиклардан (бирортасидан) чақирилган кишига ҳеч бир зарар йўқ-ку?! Бирор киши ўша эшикларнинг ҳаммасидан ҳам чақириладими?» деди. У зот: «Ҳа. Умид қиламанки, сен ҳам ўшалардан бўласан», дедилар».



ЖАННАТ ВА ДЎЗАХ

Жаннат ва дўзах инсонлар етиб борадиган охирги манзиллардир. Улардан бирига етганидан кейин инсон унда абадий қолади. Аҳли сунна ва жамоа мазҳаби эътиқодига кўра, бу икки нарса моддий бўлиб, улардаги нарсалар ҳам руҳга, ҳам жисмга оиддир. Улардаги неъматлар ва азоблар ҳам жисмга, ҳам руҳга берилади. Жаннат ва дўзах абадий турадиган нарсалардир. Уларга тушган кишининг қолиши ҳам абадий бўлади. Фақат баъзи осий мўминлар дўзахда ўз қилмишларига яраша жазони ўтаганларидан кейин у ердан жаннатга чиқариладилар.

«Акийдатут Тоҳовия»да бу ҳақда: «Жаннат ва дўзах иккилари ҳалқ қилингандирлар. Улар абадийдир, йўқ бўлмаслар. Бас, Аллоҳ жаннат ва дўзахни халойикдан олдин ҳалқ қилгандир», дейилган.

ЖАННАТ

Жаннатнинг махлуқлигига Қуръондан далиллар:

«Тақводорлар учун тайёрлаб қўйилган жаннатга шошилиниг» (*Оли Имрон сураси, 133-оят*).

«Роббингизнинг мағфиратига ва Аллоҳга ҳамда Унинг расулларига иймон келтирганлар учун тайёрланган, кенглиги осмону ернинг кенглигича бўлган жаннатга мусобақалашинг» (*Ҳадид сураси, 21-оят*).

«Ва, дарҳақиқат, уни бошқа сафар кўрди... Сидратул мунтаҳа (Тугаш дарахти) олдида. Унинг хузурида маъво жаннати бор» (*Нажм сураси, 13-15-оятлар*).

Жаннатнинг халқ қилиб бўлинганига суннатдан далиллар:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Сўнгра Жаброил мен билан юриб бориб, Сидратул мунтаҳага етди. Бас, уни мен билмаган ранглар ўраб олди. Сўнгра жаннатга кирдим, қарасам, унинг остонаси луълудан, тупроғи эса мискдан экан», деганлар» (*Бухорий ва Муслим Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилишиган*).

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Сиздан бирортангиз ўлган пайтда унга эртаю кеч жойи кўрсатилади. Агар аҳли жаннатдан бўлса, жаннатдан, аҳли дўзахдан бўлса, дўзахдан. Сўнгра «Аллоҳ Қиёмат куни сени қайта тирилтиргунича жойинг шу», дейилади», деганлар» (*Бухорий ва Муслим Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилишиган*).

Шунингдек, жаннатнинг неъматлари ҳам жасад, ҳам руҳ учун аталгандир. Баъзи бир тоифалар айтганидек, фақат руҳ учунгина эмас. Бу ҳақиқатни англаш учун Қуръони Каримдаги жаннатни васф қилувчи оятлардан бир-иккитасини ўқишнинг ўзи кифоя қилади.

«Ўшал Кунда бир чехралар неъматланувчидир» (*Ғошия сураси, 8-оят*).

Бу чехралар бу дунёда иймон-ихлос билан ва ибодат-тақво билан ўтган бандаларнинг чехра-



ларидир. Аллоҳ таоло уларга бу дунёда қилган ибодатлари ва амали солихлари мукофотига жаннати наъимни берди. Энди ўша жаннат неъматлари шодлиги уларнинг чехраларидан балкиб турибди.

«Ўз саъй-ҳаракатларидан розидирлар» (9-оят).

Энди охиратда улар ўзларининг ўткинчи, омонат дунёда қилган ишлари – саъйларидан: иймонлари, ихлослари, тақволари, ибодатлари, солиҳ амалларидан розидирлар. Чунки худди ўша қилган ишлари Аллоҳ таоло томонидан мукофотланиб, улар роҳат-фароғатда яшамокдалар.

«Олий даражали жаннатдадирлар» (10-оят).

Улар мартабаси олий даражадаги жаннатдадирлар. Улар макони олий даражали жаннатдадирлар. Улар нозу неъматлари олий даражали жаннатдадирлар. Улар қуйида зикр қилинадиган олий васфларга эга жаннатдадирлар. Улар шундай жаннатдадирларки...


«Унда бекорчи гапларни эшитмаслар» (11-оят).

Аҳли жаннатлар жаннатда сўкиш, койиш, озор, ёлгон, бўҳтон, ботил гапларни, кўнгилларини беҳузур қиладиган бирор оғиз сўзни эшитмайдилар. Чунки бир оғиз бекорчи сўз ҳам роҳатларига халал бериши мумкин. Жаннатдагилар фақат яхши ва ёқимли сўзларни эшитадилар, холос. Бу томондан бўладиган роҳатлари ҳам олий даражада. Бекорчи гапларни, сўкиш, итоб, койиш, таҳдидларни дўзахийлар эшитаверсинлар. Аҳли жаннатнинг роҳат-фароғати бу билан тугамайди. Уларга жаннатда бошқа неъматлар ҳам бор.

Жумладан:

«Унда оқиб турган булоқлар (бордир)» (12-оят).

У булоқларда турли-туман ўта лаззатбахш шароблар бор. Дўзахийлар ўта қайноқ сувни ичиб,



азобларига азоб қўшилиб турган бир пайтда жаннатийлар ана ўша булоқлардаги анвойи шароблардан мазза қилиб симирадилар. Ўша жаннат шаробини сибириш оддий ҳолатда эмас, қуйидаги оятларда васф қилинадиган ҳолатда бўлади.

«Унда баланд баланд сўрилар бордир...

ва тайёрлаб қўйилган қадахлар...

ва саф-саф қилиб тизилган ёстиқлар...

ва ҳамма ёққа тўшалган гиламлар (бордир)» (13-16-оятлар).

Ҳа, аҳли жаннатлар баланд-баланд сўриларда, ҳамма ёққа

тўшаб ташланган гўзал гиламларда, саф-саф қилиб тизилган ёстиқларга ёнбошлаб олиб, тайёрлаб қўйилган қадахлардаги шаробларни ҳузур қилиб симирадилар.

Мазкур нарсалар охират неъматларидан бир кўриниш холос, улар инсонда тасаввур ҳосил қилиш учун бу дунёдаги неъматларга ўхшаб васф қилинган. Аслида эса охират неъматлари бу дунёдаги барча неъматлардан нави жиҳатидан ҳам, бошқа жиҳатларидан ҳам устун туради. Бунинг устига, у доимий – абадий неъмат, бу дунёники эса ўткинчи ва бебақодир.

Жаннатнинг абадийлигига суннатдан далиллар:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким жаннатга кирса, неъматланади, ноумид бўлмайди, бардавом қолади ва ўлмайди», деганлар» (Муслим ривоят қилган).

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Бир нидо қилувчи нидо қилиб: «Эй аҳли жаннат! Албатта, сизлар учун абадий равишда соғлом бўлишингиз бор, бемор бўлишингиз йўқ. Ёш бўлишингиз бор, қаришингиз йўқ. Ҳаёт кечиршингиз бор, ўлишингиз йўқ», дер», деганлар» (Муслим Абу Саъиддан ривоят қилган).

«Сунний ақийдалар» китобидан олинди.

ТАРОВЕХ НАМОЗИ ҲАҚИДАГИ ФАСЛ

Рамазонда бедор бўлиб ўкиладиган намоз «Таровеҳ» деб номланиши ҳаммага маълум. «Таровеҳ» роҳат-истироҳат маъносидадир. Чунки мазкур намоз истироҳат ҳисобланади, ҳар тўрт рақъатни ўқиб бўлгандан кейин истироҳат олинади. «Мухтасари Викоя»да бу намоз ҳақида куйидагилар келган:

Таровеҳ витрдан олдин ёки кейин суннатдир. Ҳар тўрт рақъатдан кейин унинг миқдорича ўтирилади. Бир марта хатм қилиш суннатдир. Уни қавмнинг дангасалиги туфайли тарк қилинмайди. Рамазондан ташқарида Витрни жамоат билан ўқилмайди.

Бунинг энг кучли далили Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламнинг амалларидир.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُرَغَّبُ فِي قِيَامِ رَمَضَانَ

مَنْ غَيْرَ أَنْ يَأْمُرَهُمْ فِيهِ بِعَزِيمَةٍ، فَيَقُولُ: مَنْ قَامَ رَمَضَانَ إِيمَانًا
وَاحْتِسَابًا غُفِرَ لَهُ مَا تَقَدَّمَ مِنْ ذَنْبِهِ. رَوَاهُ الْخَمْسَةُ

Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам Рамазон кечаларини ибодат ила бедор ўтказишга тарғиб қилар, аммо қатъий буйруқ бермас эдилар.

Бас, у зот: «Ким Рамазонда иймон ва ихлос билан қоим бўлса, ўтган гуноҳлари мағфират қилинур», дер эдилар».

Бешовлари ривоят қилишган.

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: خَرَجَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَيْلَةَ مَنْ
جَوْفِ اللَّيْلِ فَصَلَّى فِي الْمَسْجِدِ وَصَلَّى رِجَالُ بَصَلَاتِهِ، فَأَصْبَحَ

النَّاسُ فَتَحَدَّثُوا، فَاجْتَمَعَ أَكْثَرُ مِنْهُمْ فَصَلَّوْا مَعَهُ، فَاصْبَحَ النَّاسُ فَتَحَدَّثُوا، فَكَثُرَ أَهْلُ الْمَسْجِدِ مِنَ اللَّيْلَةِ الثَّلَاثَةِ، فَخَرَجَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ فَصَلَّى فَصَلَّوْا بِصَلَاتِهِ، فَلَمَّا كَانَتِ اللَّيْلَةُ الرَّابِعَةَ عَجَزَ الْمَسْجِدُ عَنْ أَهْلِهِ حَتَّى خَرَجَ لَصَلَاةِ الصُّبْحِ، فَلَمَّا قَضَى الْفَجْرَ أَقْبَلَ عَلَى النَّاسِ فَتَشَهَّدَ، ثُمَّ قَالَ: أَمَّا بَعْدُ، فَإِنَّهُ لَمْ يَخْفَ عَلَيَّ مَكَانُكُمْ وَلَكِنِّي خَشِيتُ أَنْ تُفْتَرَضَ عَلَيْكُمْ فَتَعْجِزُوا عَنْهَا، فَتَوَفَّى رَسُولُ اللَّهِ ﷺ وَالْأَمْرُ عَلَى ذَلِكَ. رَوَاهُ الثَّلَاثَةُ

Ошиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

«Расулulloх соллalloху алайҳи васаллам кечаси, тун кўйнида чиқиб, масжидда намоз ўқидилар. Одамлар ҳам у кишига иқтидо қилдилар. Тонг отгандан сўнг одамлар бу ҳақда гапирдилар. Кейин улардан ҳам кўп тўпланишди ва у зот билан намоз ўқишди. Тонг отгандан сўнг одамлар бу ҳақда ҳам гапирдилар. Учинчи кечада масжид аҳли кўпайиб кетди. Расулulloх соллalloху алайҳи васаллам чиқиб, намоз ўқидилар. Улар у зотга иқтидо қилдилар. Тўртинчи кеча бўлганда масжидодамларни сиғдиришга ожизлик қилиб қолди. Ул зот соллalloху алайҳи васаллам Бомдод намозига чиқдилар. Намозни ўқиб бўлганларидан кейин одамларга юзландилар ва: «Сизнинг ҳолингиз менга махфий бўлгани йўқ. Лекин мен (намоз) сизга фарз бўлиб, сўнг унинг адосида ожиз қолишингиздан кўрқдим», дедилар. Расулulloх соллalloху алайҳи васаллам вафот этганларида иш ана шу ҳолда эди».

Учовлари ривоят қилишган.

Саҳобаи киромлар ва барча Ислom уммати бу намознинг шаръийлигига ижмоъ қилганлар.

عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ عَبْدِ الْقَارِيِّ ﷺ قَالَ: خَرَجْتُ مَعَ عُمَرَ بْنِ الْخَطَّابِ ﷺ لَيْلَةً فِي رَمَضَانَ إِلَى الْمَسْجِدِ، فَإِذَا النَّاسُ أَوْزَاعٌ مُتَفَرِّقُونَ، يُصَلِّي الرَّجُلُ لِنَفْسِهِ، وَيُصَلِّي الرَّجُلُ فَيُصَلِّي بِصَلَاتِهِ الرَّهْطُ، فَقَالَ عُمَرُ: إِنِّي أَرَى لَوْ جَمَعْتُ هَؤُلَاءِ عَلَى قَارِيٍّ وَاحِدٍ لَكَانَ أَمْثَلًا، ثُمَّ عَزَمَ فَجَمَعَهُمْ عَلَى أَبِي بِنِ كَعْبٍ، ثُمَّ خَرَجْتُ مَعَهُ لَيْلَةً أُخْرَى وَالنَّاسُ يُصَلُّونَ بِصَلَاةِ قَارِيهِمْ، قَالَ عُمَرُ: نَعَمْ

الْبِدْعَةُ هَذِهِ، وَالَّتِي يَنَامُونَ عَنْهَا أَفْضَلُ مِنَ الَّتِي يَقُومُونَ. يُرِيدُ آخِرَ اللَّيْلِ وَكَانَ النَّاسُ يَقُومُونَ أَوْلَهُ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.

Абдуллоҳмон ибн Абдин ал-Қорий розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Умар ибн Хаттоб розияллоху анху билан Рамазон кечаларининг бирида масжидга чиқдим. Қарасак, одамлар гуруҳ-гуруҳ билан тарқоқ ҳолларида: кимдир ўзи намоз ўқимокда, кимдир намоз ўқиса, бир неча киши унга иқтидо қилмоқда. Шунда Умар: «Менимча, анавиларни бир қори(орти)га жамласам яхши бўлади», деди. Сўнгра уларни Убай ибн Каъбнинг ортидан жамлади. Кейин, бошқа бир кечада мен яна у билан чиққанимда одамлар қориларга иқтидо қилиб намоз ўқишар эди. Умар: «Бу қандоқ ҳам яхши бидъат! Бу вақтда ухлаб ётганларидан кўра қоим бўлганлари афзал», деди. Кечанинг охирида, демоқчи. Одамлар кечанинг аввалида қоим бўлишар эди».

Бухорий ривоят қилган.

Ҳазрати Умарнинг бу ишларига саҳобалардан ва мусулмон умматидан бирор киши ҳам қарши чиқмаган.

عَنْ الْعَرِيَّاضِ بْنِ سَارِيَةَ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: فَعَلَيْكُمْ بِسُنَّتِي وَسُنَّةِ الْخُلَفَاءِ الْمَهْدِيِّينَ الرَّاشِدِينَ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ.

Ирбозий ибн Сорийадан ривоят қилинади:

«Набий соллalloху алайҳи васаллам: «Менинг суннатимни ва мендан кейин рошид халифаларнинг суннати лозим тутинг», дедилар».

Абу Довуд ва Термизий ривоят қилишган.

Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳидан ҳазрати Умарнинг қилган бу ишлари ҳақида сўралганда: «Таровех суннати муаккададир. Уни Умар ўзидан чиқарган эмас. У бу ишда бидъатчи эмас. Унинг асли бор бўлгани учун амр қилган. Бу ҳақда Расулulloх соллalloху алайҳи васалламдан аҳд бўлган», деганлар.

Таровех витрдан олдин ёки кейин суннатдир.

Таровех намози Рамазонда Хуфтон намозидан кейин, Витр намозидан олдин ўқилади. У йигирма рақъатдан иборатдир.

عَنْ يَزِيدَ بْنِ رُوْمَانَ قَالَ: كَانَ النَّاسُ يَقُومُونَ فِي زَمَانِ عُمَرَ
بِ بْنِ الْخَطَّابِ فِي رَمَضَانَ بِثَلَاثٍ وَعِشْرِينَ رَكْعَةً.

Язийд ибн Румон розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Одамлар Умар ибн Хаттобнинг замонида йигирма уч ракъат ила қоим бўлар эдилар».

Йигирматаси таровех, учтаси Витр. Таровех йигирма ракъат бўлишига саҳобалар, тобеъинлар, улардан кейинги авлодлар ва барча фикҳий мазҳабларнинг имомлари иттифок қилганлар.

«Ҳар тўрт ракъатдан кейин унинг миқдорича ўтирилади».

Худди мана шу ўтириш «тарвийҳа» дейилади ва таровех намозининг номи унинг исмидан олингандир. Ушбу ўтириш пайтида ҳар юртнинг одамлари ўзларига одат бўлиб қолган тасбеҳ ва таҳлиллардан ўқишади.

«Бир марта хатм қилиш суннатдир».

Рамазондаги таровех намозида Қуръонни бир марта хатм қилиш суннатдир.

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: كَانَ النَّبِيُّ ﷺ أَجْوَدَ
النَّاسِ بِالْخَيْرِ، وَكَانَ أَجْوَدَ مَا يَكُونُ فِي رَمَضَانَ حِينَ يَلْقَاهُ جِبْرِيلُ،
وَكَانَ جِبْرِيلُ عَلَيْهِ السَّلَامُ يَلْقَاهُ كُلَّ لَيْلَةٍ فِي رَمَضَانَ حَتَّى يَنْسَلِخَ،
يَعْرِضُ عَلَيْهِ النَّبِيُّ الْقُرْآنَ. وَفِي رِوَايَةٍ: فَيُدَارِسُهُ الْقُرْآنَ فَإِذَا لَقِيَهُ
جِبْرِيلُ عَلَيْهِ السَّلَامُ كَانَ أَجْوَدَ بِالْخَيْرِ مِنَ الرِّيحِ الْمُرْسَلَةِ. رَوَاهُ
الشَّيْخَانِ.

Ибн Аббос розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам яхшилиқ қилишда одамларнинг энг сахийси эдилар. Ул зотнинг энг сахий бўлганлари эса Рамазонда, Жаброил мулоқотларига келганда бўлар эди. Жаброил алайҳиссалом Рамазон тамом бўлгунча ҳар кеча у зотнинг мулоқотларига келар эди. Набий соллаллоху алайҳи васаллам унга Қуръонни арз қилар (ўкиб берар) эдилар».

Бошқа бир ривоятда:



«Бас, у билан Қуръон ўқишар эди. Бас, қачон у зотга Жаброил алайҳиссалом мулоқот қилса, эсан шамолдан ҳам сахийроқ бўлиб кетар эдилар», *дейилган.*

Икки шайх ривоят қилишган.

Ҳар Рамазонда Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам Қуръони Каримни Жаброил алайҳиссалом ҳузурларида ўкиб, ўтказиб олишлари у зотнинг умматлари учун ўрнақдир. Ҳар бир мусулмон шахс ҳам Рамазонда Қуръони Каримни камида бир марта назардан ўтказиб олиши лозим. Рамазонда хатм қилиш шундан олинган. Уч кундан кам муддатда хатм қилиш макруҳдир. «Сунан» соҳиблари ривоят қилган ва Термизий «саҳиҳ» деган ҳадисда Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам Абдуллох ибн Амр розияллоху анхуга: «Ким уни уч кундан озда ўқиса, уни англамайди», деганлар.

«Уни қавмнинг дангасалиги туфайли тарк қилинмайди».

Хатми Қуръонни суннат сифатида қилинаверади. Малол кўрганлар хоҳламаса, иштирок этмай қўяверадилар. Савоб умидида бўлганлар иштирок этаверадилар.

«Рамазондан ташқарида витрни жамоат билан ўқилмайди».

Витрни фақатгина Рамазонда жамоат билан ўқилади.

«Кифоя» китобидан олинди.

НАФСГА ҚАРШИ ЖИҲОД

Нафснинг ҳавойи истакларига бўйсунган одам ҳукмдор бўлса ҳам, қул аҳволига тушади. Нафснинг ҳавойи истакларига қарши бориб, сабр қилган одам эса қул бўлса ҳам, ҳукмдор бўлади. Ҳазрати Юсуф ила Зулайҳо ҳикояси бунинг ёрқин мисолидир. Юсуф алайҳиссалом сабри туфайли Мисрга ҳукмдор бўлди. Зулайҳо эса Ҳазрати Юсуфга бўлган ишқига сабр қила олмади, шахвоний истаклари ғолиб келди. Хор ва кадрсиз бир аҳволга тушди.

Бир куни Абулҳасан Розий икки йил олдин вафот этган отасини тушида кўради. Эгнида катрондан бир кийим бор эди.

У отасига деди: «Эй отажоним, нима бўлди, нега мен сизни жаҳаннам кишилари қиёфасида кўряпман?»

Отаси жавоб берди: «Эй ўғлим, нафсим мени жаҳаннамга етаклади. Эй ўғлим, нафсингнинг ҳийласидан сақлан!..»

Пайғамбаримизнинг асҳоби розияллоху анҳум кофирлар билан олиб борган жангларида қайтганларида шундай де-

йишган эди: «Кичик жиҳоддан қайтдик, катта жиҳодга келдик!»

Саҳобалар кофирлар билан олиб борган жангларини КИЧИК ЖИҲОД, нафсларини тарбиялаб, шайтоний васвасаларни даф этиш ва гўзал ахлоқли бўлиш учун олиб борган курашларини эса КАТТА ЖИҲОД дедилар. Чунки нафс ила жиҳод ҳар он ва узлуксиз давом этадиган жиҳоддир. Нафс ҳар онда тўғри йўлдан чиқара олгани учун инсон унга қарши тинимсиз курашиши лозим. Ҳолбуки, кофирлар билан олиб бориладиган жанглар ҳар замон-ҳар замонда рўй беради, давомли эмасдир. Бундан ташқари, кофирлар билан олишаётган муслмон мужоҳид қаршисидаги душманни кўзи билан аниқ кўриб туради. Нафс ва унга васваса берувчи шайтон эса кўзга кўринмайди. Кўриниб турган душман билан курашиш кўзга кўринмайдиган душман билан курашишдан кўра энгилроқдир.

*Абу Ҳомид Фаззолий,
«Нафс тарбияси».*



Каффорот рўзасини тутаётганда Қурбон ҳайити келса

Ассалому алайкум!

Ҳазрат, бир киши 60 кунлик каффорот рўзасини тутаётган эди. Ҳайит яқинлашмоқда. Байрамда рўза тутилмайди. 60 кунлик кетма-кетликни узишига тўғри келадими? Агар узилса, 60 кунликни қайтадан тутишни бошлайдими?

Ҳазрат, яна бир саволим бор эди. Зулҳижжанинг ўн кунлиғидамиз. Шу кунлардаги ва Арафадаги рўзанинг фазли улғу. У киши эса каффорот рўзаларини тутяпти. Ҳам каффорот, ҳам Зулҳижжанинг ўн кунлик фазлини ният қилиб тутса бўладими? Яъни фазилатли кунларнинг савоби у кишига ҳам етадими?

Жавоб:

– Каффорот рўзасини тутаётганда ҳайит келиб қолса, кетма-кетлик бузилади. Каффоротни янгитдан бошлашга тўғри келади.

– Каффорот рўзаси нафл рўзадан кучли бўлади. Бир рўзани тутиб, бошқа рўзанинг савобини олиб бўлмайди.

Райён эшигидан кимлар киради?

Ассалому алайкум, Шайх ҳазратлари.
Аллоҳ сиздан рози бўлсин!

Барчамизга маълумки, жаннатнинг Райён номли эшигидан рўздорлар кириши ваъда қилинган. Бу ерда рўздорлар дейилганда фарз рўзаларни доим тутган кишилар назарда тутилганми ёки фарзга кўшимча равишда кўплаб нафл рўзалар тутган кишилар назарда тутилганми?

Жавобингиз учун олдиндан раҳмат.

Жавоб:

– Икковлари ҳам назарда тутилган.

Нафл рўзани бузса нима бўлади?

Ассаламу алайкум, ҳазрат! Ўз ихтиёри билан нафл рўза тутиб, ҳеч қандай сабабсиз уни очиб юборса, 60 кун тутиб берадими ёки ўша бир кунни тутиб берадими?

Жавобингиз учун раҳмат, Аллоҳ сиздан рози бўлсин.

Жавоб:

– Ўша бир кунни тутиб беради.

Қазо рўзани адо этиш

Ассалому алайкум, Шайх жаноблари.

Ҳазрат, менинг 15 йиллик қазо рўзаларим бор. Мен ҳар душанба ва пайшанба кунлари нафл рўза ўрнига қазо рўзаларимни ният қилиб тутяпман. Олти ойлардан буён шундай қиламан, лекин кунини санаганим йўқ, сабаби, инсон зоти сабрсиз бўлади. Мен ҳам шулардан бириман. 15 йиллик рўза кунларини санаб борсам, сабрсизлигимни тутиб қолиб, ҳали анча бор экан, бирор вақт топиб, бир ой-бир ой қилиб тутаман, деб қолишдан қўрқиб шундай қиляпман. Шундай қилиб умримнинг охиригача тутиб борсам бўладими? Бизларга илм улашаётганингиз учун раҳмат сизга.

Жавоб:

– Бўлади.

Ёзда қазо бўлган рўзани қишда тутиш


Ассалому алайкум!

Ҳурматли Шайх ҳазратлари, ёзнинг узун кунларида Рамазон рўзасини қазо қилган одам кишининг қисқа кунларида қазо қилиб тутишига шариятнинг ҳукми қандай?

Жавоб:

– Бўлади.

*«Зикр аҳлидан сўранг»
веб саҳифасидан олинди.*



Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос ибн Воил ибн Хишом ибн Саъид ибн Саъд ибн Саҳм ибн Амр ибн Хусойс ибн Каъб ибн Луай ибн Ғолиб Абу Муҳаммад – Қурайш қабиласидан бўлган машҳур саҳобий. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос такво ва зухдлари билан машҳур саҳобалардан эдилар. У киши оталари Амр ибн Осдан аввал Исломга кирдилар. Исломга кирмасларидан олдин исмлари Ос эди, кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу исмни Абдуллоҳ деб ўзгартирдилар. Онасининг исми Райта бинти Мунаббих ибн Ҳажжож ибн Омир ибн Ҳузайфа ибн Саъд ибн Саҳмдир. Абдуллоҳ ибн Амр Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суҳбатларида бардавом бўлиб, у зотга нозил бўлаётган оятларни ёдлабгина қолмай, ёзиб ҳам олар эдилар.

Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Абдуллоҳ ибн Амрга:

«Сени кундузларни рўза тутиб, кечаларни намоз ўқиб ва Қуръонни хатм қилиб ўткази-

Абдуллоҳ ибн Амр Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан мингга яқин ҳадис ривоят қилганлар. Бу киши ривоят қилган ҳадисларни уч «Саҳиҳ» соҳиблари ўз китобларига киритганлар. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ҳадис ривоят қилишда Абдуллоҳ ибн Амр мендан ўзиб кетди», дер эдилар.

Абдуллоҳ ибн Амрдан саҳобалардан Абу Умома Боҳилий, Суфён ибн Авф ал-Қорий, Мисвар ибн Махрама, Абу Умома ибн Саҳл ибн Ҳунайф, Соиб ибн Язид, Абу Туфайл, тобеъинлардан Саъид ибн Мусаййаб, Қосим ибн Муҳаммад, Урва, Абу Салама ибн Абдуррахмон, Ҳумайд ибн Абдуррахмон, Ийсо ибн Талха ибн Убайдуллоҳ ва Икрималар ривоят қилишган.

Абдуллоҳ ибн Амр хижратнинг 93-йили вафот этдилар.

Зайнаб тайёрлади.

ЭНГ КЎП РЎЗА ТУТГАН САҲОБИЙ

шингдан хабарим бор. Умринг уза-йиб, ёшинг улғайиб, буларга тоқат қилолмай қолишингдан қўрқаман. Ойда уч кун рўза тут, бир марта Қуръонни хатм қил», дедилар. Абдуллоҳ:

«Эй Аллоҳнинг Расули, бундан ҳам кўпроғига қудратим етади», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:


«Бўлмаса ҳафтада икки кун рўза тутиб, Қуръонни ўн кунда бир хатм қил», дедилар. Абдуллоҳ:

«Бундан ҳам зиёдасига қурбим етади», деди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Унда рўздорларнинг саййиди Довуд алайҳиссалом рўза тутганидек рўза тут. У киши бир кун рўза тутиб, бир кун тутмасдилар. Ҳар уч кунда Қуръонни хатм қил», дедилар.

Абдуллоҳ ибн Амр ёшлари ўтиб қолганига карамай, бу амалларида бардавом қолдилар.



КЕЛИБ ҚОЛИНГ, ОЛИБ ҚОЛИНГ, ЕБ ҚОЛИНГ!

Алхамдулиллах, ўн икки ойнинг султони бўлмиш Рамазон кириб келди. Унинг келишини ўн бир ой ку-тамиз. Интиқ бўлиб, бу ойнинг фазилатидан бахра-манд бўлишни орзу қиламиз. Ҳар тонг сахарликка уйғониб, «Қўшнилardan ким рўза тутяпти экан», деб атрофдаги чироғи ёниқ хонадонларга қараймиз, улар-га нисбатан ҳурматимиз ошади. Йил сайин маҳалла-мизда рўзадорлар кўпаяпти, деб хурсанд бўламиз.

Катта бир ташкилотда ишлаб юрган пайтларим эди. Рамазоннинг илк куни. Ҳамкасбларимиз одатга кўра тушлик пайтида ўзига шерик топиб, иккита-ик-кита бўлиб чиқиб кета бошлашди. Мендан ўн ёшлар чамаси катта бир ҳамкасбимиз: «Сиз нега тушликка чиқмаяпсиз?» деб сўраб қолди. У менинг тушликка чиқишдан бош тортаётганимдан қанчалик ҳайрон бўлса, мен эллик кишилик жамоада атиги бир ўзим рўзадор эканлигимдан ҳайрон эдим. Аввалига инда-май кўяқолаймикан, деб ўйладим. Кейин балки, бу даъват бўлар, савобини оларман, деган умидда «Рўза-ман», дедим. «Ҳа, Рамазон ойи келдими?» деб, у хо-тиржам шериги билан тушликка чиқиб кетди. Ҳайто-вур, жамоамизда биргина мен эмас, яна икки дугонам ҳам рўзадор эканлар.

Эртасига кечаги ҳамкасбим ёнимга келиб: «Қа-чондан бери рўза тутасиз?» деб сўради. Мен: «Етти ёшимдан», деб жавоб бердим. У эса: «Мен ўттизга кирдим. Лекин ишонинг, рўзани бу қадар ёппасига тутилишини (у мен ва икки дугонамни назарда тутяп-ти) энди кўришим. Кеча ифтор пайтида ошхона тўлиб кетди. Одатда кечки пайт ҳеч ким кирмасди. Мен роса ғалати бўлдим», деди.

Шунда менинг хаёлимдан «Балки, рўза тутмаётган-нида унда ҳам айб йўқдир, ота-онаси унга рўзанинг фарзлигини ўргатмагандир. Оиласида ҳеч ким рўза тутмас экан, демак, ибрат олишга арзирли инсон йўқ», деган фикр ўтди. Ҳамкасбим ҳар куни мендан ва ду-гоналаримдан рўза ҳақида сўрарди. Унинг қоидалари, нега тутилиши, ўзига хос ҳолатлар ҳақида саволлар берарди. Айтишича, уларнинг вилоятида у танийди-ган инсонлардан бирортаси рўза тутмаган. Статистик маълумотларга кўра, ўттиз ёшдаги инсон ўрта ҳисоб-да мингта инсонни танийди. Наҳотки, минг кишидан бирортаси ҳам рўза тутмаса?!...

Келаси йили Рамазондан бошлаб ўша ҳамкасби-миз рўза тутди. Неча йил ишлаган бўлсам, ҳар йили рўза тутарди. Унинг ҳидоятига ким ёки нима сабабчи бўлганини билмаймиз. Аллоҳнинг Ўзи илҳом берди. Шу ҳолатни ёдга олсам, ҳамиша Рамазон ойида бо-зорларни тўлдириб таом билан савдо қилаётган юрт-дошларимиз кўз олдимга келади. Балки, улар ҳам яқин

атрофида бирорта инсон рўза тутмайдиган жамоадан келишгандир. Эҳтимол, Рамазон ойи, унинг фазилати, ҳурмати ва рўзадорга эҳтиром хусусида билишмас. Акс ҳолда Рамазон ойида оғизларини тўлдириб: «Ке-либ қолинг, олиб қолинг, еб қолинг! Сомсанинг додаси! Қайноққина сомса, уйланмаган кўчқорнинг гўштидан! Кабобга келинлар, оғзингизда эрийди!» дея бақириб туришмасди. Ота-оналаримиз бизларга: «Агар бирор сабаб билан рўза тута олмасанг ҳам, Рамазонда биров-нинг олдида овқат ема, оғзингга луқма солма. Рўзадор эмаслигингни ҳатто оила аъзоларингдан ҳам яширгин. Бирор нарса есанг, уларнинг ҳаваси келиб қолмасин», деб ўргатишган. Ҳозир-чи? Кўча тўла таомхоналар, ен-гил тамадди шаҳобчалари. Кўпчилиги иссиқ кунларда ўтириш жойларини кўчага олиб чиқишади. Бу билан улар «Ўтган-кетган рўзадорларнинг бу таомларга, уларнинг ёқимли хидига ҳаваси келиб турсин, шунда улар бизни дуо қилиб, савдоимизга барака киради», деб ўйлашармикин? Аксинча, тор йўлакдан кабобнинг ёқимли хидини таратаётган тутун орасидан ўтиб ке-таётган рўзадорларнинг зарра қадар дилининг оғриши ўзларига қанчалик зарарлигини билишармикин?

Бувим раҳматли айтардилар: қадим замонларда Ра-мазон келса, яхудийлар боласига кўчада нон ейишга рухсат беришмас, «Мусулмонларнинг болалари рўза тутади, уларнинг ҳавасини келтирма», дейишаркан. Наҳотки, биз бугун ўша яхудийларчалик бўлолмай-миз? Бу ҳали кичкина-ку, деб болаларимизнинг қўли-га сўраган нарсасини олиб бериб, Рамазон кунларида кўча-куйда ейишига рухсат бериб қўямиз. Бу билан бошқа рўзадорларга нисбатан ҳурматсизлик, адолат-сизлик қилаётганимиз хаёлимизга ҳам кириб чиқ-майди. Яна «Топганимда барака йўқ», деб нолиймиз. Ахир адолат бўлмаган жойда барака бўлармиди?!

Ғарбий вилоятларимизда Рамазон кунларида бема-лол тўйлар қилиниши, дастурхонга спиртли ичимлик-лар тортилиши ҳақида кўпчилигимиз эшитганмиз. Ким учундир бу оддий ҳол, кимдир эса бундан ёқа тишлайди. Мен эса ўша ҳудудлардаги экологик танг-лик ва бараканинг йўқлигини мана шундан кўраман. Мақсадимиз кимнидир ёмонлаш, ўзимизни оқлаш эмас. Мақсад, ўзимизни, оиламизни ва бунинг орти-дан жамиятни ислоҳ қилиш, аксарияти мусулмонлар истиқомат қиладиган юртимизда Рамазон ойининг фазилати ва ҳурматини ёддан чиқармаслик. Аллоҳ таолодан ҳамюртларимизга ва жамики мусулмонлар-га рўза тутишда сабр, қилаётган ибодатлари учун эса улкан ажрлар беришини сўраб қоламиз!

Умму Муҳаммад Билол.

Бадр ғазоти Ислом тарихидаги энг шарафли нуқталардан бири ҳисобланади. Қуръони Каримнинг Оли Имрон сурасида ҳам ушбу мўътабар ғазот ҳақида хабар берилади.

Бадр ғазоти ҳижратнинг иккинчи йили, Рамазон ойида содир бўлди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга Шомга кетган Макка мушрикларининг катта қарвони қайтаётгани ҳақида хабар етди. У киши саҳобаларини бу катта ўлжага қизиқтирдилар. Бундай катта урушга айланиб кетишини кутмагани учун кимдир қизикди, кимдир қизикмади.


Шундай қилиб, 317 нафар саҳобий (86 та муҳожир, 61 та Авс ансорийлари, 170 та Ҳазражий ансорийлар) тайёргарлик кўриб, йўлга отландилар. Мадинага Абдуллоҳ ибн Умму Мактум вақтинчалик волий бўлиб қолдилар.

Бу орада мушриклар қарвони бошлиғи Абу Суфёнга ҳам Мадинадан хабар етиб келди. Абу Суфён хушёр тортиб, Замзам ибн Амрни хабар қилиш учун Маккага юборди. Хабарни олган Қурайш жамоаси ҳам зудлик билан урушга тайёргарлик кўра бошлади. Икки кун ичида урушга тайёр бўлиб, йўлга чиқдилар.

Мадинага яқинлашган сари Абу Суфённи ваҳима босди. Бадрга яқинлашганида эса йўналишини ўзгартириб, ўтиб кетди. Йўлга чиққан Қурайш жамоасига ўтиб олганининг хабарини юборди. Бироқ қайтиб келган чопардан йўлга тушган Қурайшликларнинг ортга қайтмаслигини эшитди.

Бу орада Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ҳам Қурайшнинг хабари етиб келди. Расулulloҳ бу хабарни эшитиб, саҳобаларни маслаҳатга чақирди. Муҳожирлардан ҳам, ансорлардан ҳам «Ортга қайтмаймиз, Сиз билан бирга жанг қиламиз», деган фикрни эшитган Расулulloҳнинг севинчдан юзлари порлаб кетди. Сўнгра «Мен ўша қавмнинг йиқиладиган жойини кўраётгандекман», дея муслмонларнинг руҳини кўтардилар. Мадинадан чиққанларида байроқ тикилмагани, Расулulloҳ алайҳиссалом байроқ тикишга амр қилдилар. Байроқлар учта бўлиб, уларни Мусъаб ибн Умайр, Али бин Абу Толиб ва Саъд ибн Муъоз розияллоҳу анҳум кўтардилар. Шундай қилиб, Рамазоннинг ўн еттинчиси, Жума куни хуфтон пайтида Бадрнинг куйи томонига ўрнашдилар.

Ҳазрати Али, Зубайр, Саъд ибн Абу Ваққос ва Басбас ибн



Амр сув учун кудукқа борганларида Курайш сувчиларига дуч келишди ва улардан баъзиларини олиб кетишди. Улар орқали Расулulloх соллalloху алайхи васаллам Курайш мушрикларининг сони минг билан тўққиз юз орасида эканини билиб олдилар. Ҳаббоб ибн Мунзирнинг фикри билан Бадрининг эски кудукларидан бирининг атрофига жойлашдилар. Расулulloх соллalloху алайхи васаллам ўша кечани ибодат билан ўтказдилар. Осмондан ёғётган ёмғир мўминлар учун раҳмат, мушриклар учун офат бўлди. Ислом лашкари қаттиқ уйқуга кетди.

Аммор ибн Ёсир ва Абдуллох ибн Масъуд яширинча душман қароргоҳини ўрганиб келдилар. Улар Курайш мушрикларининг кўркувда эканларини хабар қилдилар.

Уруш бошланмай туриб, Расулulloх соллalloху алайхи васаллам мушрикларнинг қай бири қаерда ҳалок бўлишини олдиндан айтиб бердилар. У зотнинг сўзлари аниқ амалга ошди.

Бу орада Курайш мушрикларининг орасида тафриқа чиқа бошлади. Утба ибн Робиъа бошлиқ баъзи мушриклар қавми ортга қайтишга чақира бошлади. Лекин Абу Жаҳл бошлиқ бошқа мушриклар уларнинг таклифини кескин рад этишди.

Яккама-якка олишув бошланди. Мушриклардан Утба ибн Робиъа, укаси Шайба ва ўғли Валид чиқди. Мусулмонлардан эса уч ансорий йигит – Авф ва Муавваз ибн Ҳорис ҳамда Абдуллох ибн Равоҳа чиқишди. Лекин маккаликлар мадиналикларни рад қилиб, муҳожирлардан чиқишини талаб қилишди. Шундан сўнг Расулulloх Убайда ибн Ҳорис, Ҳамза ва Али розияллоху анхумни чиқардилар. Ҳамза розияллоху анху тезда Шайбани ер тишлатди, Али розияллоху анху эса Валидни ўлдирди, кейин икковлари ярадор Убайда розияллоху анхуга ёрдамга шошилдилар ва душманни мағлуб қилдилар.

Расулulloх соллalloху алайхи васаллам лашкарни биринчи бўлиб ҳужум қилишдан ман қилдилар, душман аввал юриш бошлаганда эса камондан ўқ отишни тайинладилар. Сўнгра Роббларидан мадад сўраб дуо қилдилар.

Жанг бошланди. Расулulloх эса шаҳидларга жаннат башоратини бериб, жангчиларни шижоатлантирдилар.

Аллох таоло мусулмонларга ёрдам учун фаришталарни туширди. Оли Имрон сура-сининг 124-оятида: «Ўшанда мўминларга: «Роббингизнинг нозил қилинган уч минг фаришталар ила мадад бермоғи сизга кифоя қилмасми?!» дер эдинг», дейилади.

Аллох таолонинг мадади билан мусулмонлар ўзларидан уч баробар кўп бўлган душманларини енгдилар. Мушриклардан етмишдан ортиқ киши ўлди, етмиш киши асир олинди. Ўлганларни бир кудукқа кўмдилар. Мадинага ғалаба хабарини етказиш учун Абдуллох ибн Равоҳа ва Зайд ибн Ҳорисани юбордилар.

Мусулмонлар қолган ўлжаларни йиғиб, улар устида тортиша кетдилар. Шунда Аллох таоло ваҳий нозил қилди ва Расулulloх соллalloху алайхи васаллам ўлжаларни тақсимладилар. Асирларни ҳам саҳобаларга тарқатиб бериб, уларга яхши муомалада бўлишни буюрдилар. Асирлар орасида Аббос ибн Абдулмуттолиб ўзларининг мусулмон эканларини баён қилдилар. Мушриклар тўлов тўлаб, асирларни олиб кета бошладилар. Тўловга қодир бўлмаганлар жуда кўп эди. Шунда Расулulloх соллalloху алайхи васаллам ўнта мусулмонга хат-саводни ўргатган асирга озодликни ваъда қилдилар. Бу тарихда кўрилмаган ажойиб усул эди. Бу усул сабабли кўп мусулмонлар асирлардан ўқиш-ёзишни таълим олдилар.

*«Оламларга раҳмат пайгамбар»
китоби асосида Гулиода тайёрлади.*

МУСЛИМА АЁЛ-ҚИЗЛАРНИНГ РАМАЗОН ОЙИДАГИ КУНДАЛИК ДАСТУРИ

Дастурни татбиқ этишдан аввал бир неча изоҳлар билан танишинг:

1-мулоҳаза. Дастур шартларини адо этиш ихлос, холис ният ва кучли иродани талаб этади.

2-мулоҳаза. Дастурдаги тартибга қаттиқ боғланиб қолиш талаб этилмайди. Имкониятдан келиб чиқиб амалларнинг ўрнини алмаштириш, уларнинг баъзисини олдин ёки баъзисини кейинроқ бажариш мумкин.

3-мулоҳаза. Катта оила бекасининг зиммасида катта масъулият борлиги шубҳасиз. У дастурни тўлиқ бажаришга қодир эмас. Унга, иншааллох, уй ишлари, фарзандларининг тарбияси учун ҳам ажрлар ёзилади. Лекин у қурби етганча амал қилиши, Аллоҳдан ёрдам ва вақтининг баракали бўлишини сўраши лозим. Унинг хаёти бу каби масъулиятлардан холи бўлганлар учун бир ибратдир: «Банд бўлиб қолишингдан аввал бўш вақтингни ғанимат бил».

4-мулоҳаза. Ушбу дастурнинг татбиғи тунни кунга, кунни тунга алмаштириб қўйганлар учун қийин кечади.

БОМДОД

1. Бомдод намозини вақтида адо этиш, сўнг намоз зикрлари ва субҳ зикрларини ўқиш.

2. Бомдод намозидан сўнг қуёш чиққунга қадар Аллоҳнинг зикрини қилиб ва Қуръон тиловат қилиб ўтириш, қуёш чиққач, икки ракъатли ишроқ намозини ўқиш. Ушбу намозни ўқисангиз, ҳаж ва умра ибодатларини тўлиқ адо этгандек бўласиз.

Муъоз ибн Анас Жуханий розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васал-

лам: «Ким бомдодни жамоат билан ўқиса, сўнгра қуёш чиққунча Аллоҳни зикр қилиб ўтирса, кейин икки ракъат намоз ўқиса, унинг учун ҳаж ва умранинг ажридек бўлур. Тўлиқ, тўлиқ, тўлиқ», дедилар» (*Термизий ривоят қилган*).

3. Ундан кейин савоб умидида ухлаш. (Аллоҳнинг ибодатига куч тўплаш учун дам оламан, деган ниятда.)

4. Икки ракъат бўлса-да, Зуҳо намозини адо этиш учун тушдан аввал уйғониш. Бу «солатул-аввобин» («тавба қи-



лувчилар намози») бўлиб, ким уни ўқиса, танасининг ҳар бир бўғини учун садақа берган бўлади.

Абу Зарр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Тонгда сизнинг ҳар бирингиздан ҳар бўғинига садақа лозимдир. Бас, ҳар бир тасбеҳ садақадир, ҳар бир таҳмид (Алҳамдулиллаҳ) садақадир, ҳар бир таҳлил (Лаа илааҳа иллаллоҳ) садақадир ва ҳар бир такбир садақадир. Амри маъруф садақадир. Наҳйи мункар садақадир. Буларнинг ўрнига чошгоҳда икки ракъат намоз ўқиш кифоя қилади», дедилар» (*Муслим, Абу Довуд ва Аҳмад ривоят қилишган*).

5. Аллоҳни зикр қилган ва истиғфор айтган ҳолда уй ишларини бажариш. Агар ишга жуда берилиб кетмаган бўлсангиз, Қуръон тиловат қилиб ишласангиз ҳам бўлади.

ПЕШИН

1. Пешин намозини вақтида ўқиш ва ундан кейинги зикрларни айтиш.

2. Ўзингиз учун намоздан кейин муайян вақт ажратинг ва унда Қуръондан камида бир пора ўқинг. Шунда Рамазоннинг охиригача Қуръонни камида бир маротаба хатм қилиб оласиз.

3. Бироз дам олиш ёки баъзи ишларни ниҳоясига етказиб олиш.

АСР

1. Аср намози ва ундан кейин ўқиладиган дуолар.

2. Исроф ва даббадан йироқ бўлган ҳолда ифтор дастурхонини ҳозирлаш. Уй ишларини қилиш жараёнида техник жиҳозлар ёрдамида Қуръони Карим ҳамда фойдали маърузаларни тинглаб бориш.

ШОМ

1. Ифторлик қилиш. Бу чоғда дуо қилишга эътиборли бўлиш керак, чунки ҳадисларда келганидек, оғиз очар пайтидаги дуолар ижобат бўлади.

2. Таомни кўп емаслик мустаҳабдир, чунки кўп ейиш ибодатга дангаса қилиб кўяди ва рўзанинг моҳиятига зид келади.

3. Шом намозини вақтида адо этиш ва таом билан чалғиб қолишдан эҳтиёт бўлиш. Намоздан кейинги дуоларни ва оқшом зикрларини ўқиш.

4. Оила даврасида фойдали нарсаларни ўрганиш, турли бефойда сўзлар, ишлардан йироқ бўлиш. Шунингдек, уй ишлари билан банд бўлиш, болаларга қараш, ифторликнинг қолганини таноувул қилиш. Яна радио, журналларда эълон қилинадиган мункар ишлардан холи бўлган исломий мусобакаларда иштирок этиш ҳам мумкин.

ХУФТОН

1. Хуфтон намозини ўз вақтида адо этиш ва ундан кейинги зикрларни айтиш.

2. Уйда ёки масжидда, таровеҳ намозини адо этишга эътиборли бўлиш. Агар масжидга чиқиладиган бўлса, очиқ-сочиқ юрмаслик, хушбўйланмаслик каби одоб шартларига риоя қилиш.

3. Таровеҳ намозидан кейин вақтни бекорга ўтказмай, китоблар ўқиш, таълим олиш, аёлларга хос – таҳорат, ҳайз, нифос кабиларга оид фатволар билан танишиш, ғийбат ва бошқа ҳаром ишлардан четланиш лозим.

4. Сахарлик тайёрлаб, болалар, хусусан, мактабга борадиганлар ҳолидан хабар олиб, сўнг эртароқ ухлаш.

5. Бедорликдан тийилиб, кечалари ухлашни одат қилинг, чунки тунги уйқуда яхшиликлар, саломатлик ва барака бўлади.

6. Ухлаш чоғида таҳорат билан, ўнг томонга ёнбошлаб ётиш ва уйқуолди дуоларини ўқиш каби Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларини унутманг.

7. Сахарда барвақт туришга кўзингиз етмаса, витрни ухлашдан аввал ўқиб олинг.

8. Тунда озгина бўлса-да, таҳажжуд намозини ўқиш учун уйғонинг. Кечанинг охири учинчи қисмида Роббимиз таборака ва таоло дунё осмонига тушади ва дейди: «Истиғфор айтувчи борми, кечираман. Сўровчи борми, сўраганини бераман. Дуо қилувчи борми, ижобат қиламан». Қайси биримиз Аллоҳнинг мағфирати ва фазлини хоҳламаймиз? Орамизда кимнинг Аллоҳга эҳтиёжи йўқ?

9 Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Сахарлик қилинглар. Бас, сахарликда барака бор» (*Бухорий ривояти*).

Ушбу ҳадисга мувофиқ, саҳарликни суннатда белгиланган вақтида, олдинга ҳам сурмай, кечга ҳам қолдирмай қилиш. Саҳарликни бомдодга тақаб қилиш ва унда хурмо тановул қилиш суннатдир.

ҚУРЪОН ЁДЛАШ ВА ЁДЛАГАНЛАРИНИ ҚАЙТАРИБ ТУРИШ ДАСТУРИ

(Ушбу дастур Мадина мусхафи ва унга мос келувчи мусхафларга асосланган)

КУНДАЛИК ДАСТУР

Бажариладиган иш тавсифи, муддати ва самараси:

1. Кунига бир саҳифадан ёдлаш (бирор намоздан сўнг ярим саҳифа ва окшомда ярим саҳифа) (60 дақиқадан) Шу тариқа Қуръонни 2,5 йилда тўлиқ ёдлаб олиш мумкин.
2. Олдин ёдланган саҳифаларни такрорлаш, то ёдланаётган саҳифага қадар (20 дақиқа). Шу тариқа бир порани уч кунда, тўлиқ Қуръонни уч ойда қайта такрорлаб олиш мумкин.
3. Ёдланган оятларни фарз, суннат ва нафл намозларида кироат қилиш. Бунда Қуръоннинг бошидан бошлаб, то ёдланган қисмининг охиригача борилади, сўнг яна такрорланади. Ҳар рақъатда чорак саҳифадан, бир кунда тахминан ўн саҳифа ўқиш режалаштирилади.

ҲАФТАЛИК ДАСТУР

Ҳар жума аввал ёдланган порани такрорлаш. Кейинги жумада кейинги пора такрорланади (1 соатдан). Шунда ҳафтада битта, ойда тўртта пора такрорлаб олинади. Шунда Қуръонни саккиз ойда тўлиқ такрорлаб олинади.

Хулоса:

Агар қори ушбу дастурга диққат ва интизом билан риоя қилса, иншааллоҳ, қуйидаги натижаларга эришади:

1- Қуръони Каримни 2,5 йилда тўлиқ ёд олиш.

2- Икки йилда Қуръони Каримни 40 мартадан ортиқ такрорлаб олиш.

Изоҳ:

- Ҳафта ўрталарида бир кунни, масалан, пайшанба кунини дастурнинг татбиғига таъсир кўр-

сатмайдиган ҳолда дам олиш учун ажратиш ҳам мумкин.

- Қуръонни ёдлашни хоҳловчилар ниятни Аллоҳ учун холис қилишлари лозимдир.

УМУМИЙ ТАВСИЯЛАР

АЁЛ-ҚИЗЛАР УЧУН БИР НЕЧТА ТАВСИЯЛАР

БАЪЗИ ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

Қуйидагилардан сақланинг:

1. Гийбат, чақимчилик, сўқиш, лаънатлаш, дуоибад қилишдан сақланинг. Булар дўзахийларнинг аксари аёллар бўлишининг сабабчилари эканини ёдда тутинг.
2. Юк ташувчилар (ҳайдовчилар) ва хизмат кўрсатувчиларни, умуман, ҳар қандай бегона эркакни уйга таклиф қилишдан эҳтиёт бўлинг.
3. Нақшли (вышивка – تطريز) ва шу каби турли безаклар билан зийнатланган кийим кийишдан сақланингки, бу кийимлар фитнага сабаб бўлганлиги учун уламолар унинг ҳаромлигига фатво берганлар.
4. Қалта, шаффоф ва тор кийимлар кийишдан сақланинг – улар жаҳаннамга олиб боради.
5. Ўз ўлжаларини телефон орқали овлайдиган инсон кўринишидаги бўрилардан эҳтиёт бўлинг.
6. Қабоҳатга чорловчи беҳаё журналларни ўқишдан, фильмларни томоша қилишдан йироқ бўлинг.



7. Дунёингизга ҳам, охиратингизга ҳам фойдаси тегмайдиган ёмон қўшни ва дугоналардан узоклашинг.

8. Номакбул байрам ва ўтиришларда қатнашманг, уларда Аллоҳга осийлик мавжуддир.

9. Эркакларга ўхшашдан, жумладан, шим кийиш ва сочни ўта калта қилиб қискартиришдан эҳтиёт бўлинг.

10. Маъсиятга чақирмасалар, эрингиз ва бошқа бўйсунингиз керак бўлганларга қарши чикманг.

11. Қулоқларингизни номакбул сўз ва мусиқа эшитишдан сақланг. Барча аъзоларингизни Аллоҳ ҳаром қилган нарсалардан асрангки, улар қиёмат куни Сиз ҳақингизда гувоҳлик берадилар.

Қуйидагиларга интилинг:

1. Доимо тавба қилиб, Аллоҳга истиғфор айтиш.

2. Намозни ўз вақтида диққат ва хушуъ билан адо қилиш.

3. Тунда озгина бўлса ҳам намоз ўқиш.

4. Қуръонни ҳар куни ўқиб бориш. Бу амал Аллоҳнинг каломини ёдлаш ва такрорлашга катта ёрдам беради.

5. Хос, фазилатли кунлар рўзасини тутиш. Сиз рўза учун катта ажрлар берилишини биласиз. Шундай экан, шаввол ойининг олти куни, зулҳижжанинг биринчи ўн кунлиги, Арафа куни, ҳар ойнинг ой тўладиган 13, 14, 15-кунлари, ҳар ҳафтанинг душанба ва пайшанбаси ҳамда муҳаррам ойининг 9 ва 10 ёки 10 ва 11-кунлари рўзасини тутишга ҳаракат қилинг.

6. Саҳиҳ ва мукаммал исломий ҳижоб кийиш.

7. Ота-онага яхшилик қилиш, силаи раҳм (қариндошлик алоқаларини мустаҳкамлаш), яқинлар ва қўшнилари зиёрат қилиш, уларга эҳсон қилиш, уларни турли азиятлардан ҳимоя қилиш, заифларига ёрдам бериш, беморлари ҳолидан хабар олиш, яхши-ёмон кунларида бирга бўлиш. Булар учун буюк ажрлар бордир.

8. Ўзингизни қийнаётган динга оид масалаларни сўраб ўрганиш. Зеро, дунёдан кўра охират ишлари сўраб-сўраб ўрганишга лойиқдир.

9. Қуръон, маъруза, дарслар ёзилган кассеталарни эшитиш, фойдали китоб ва рисоаларни ўқиш ва уларга амал қилиш.

10. Фарзандларингизга исломий тарбия беринг, яхши хулқ ўргатинг, Қуръони Каримдан таълим

беринг, токи улар Сиз учун ҳаётлик чоғингизда ҳам, вафотингиздан сўнг ҳам манфаатли бўладиган солиҳ зурриётлар бўлсинлар.

Хотима ўрнида

Азиз опа-сингиллар, Сизга дастурда келган баъзи шартлар қийин кўриниши, дастурни тўлик адо этиш мураккаб туюлиши мумкин.

Аммо аввало ўзимга, қолаверса Сизга эслатиб ўтаман: Аллоҳнинг дини Аллоҳнинг Ўзи энгил қилган кишига осондир. Аммо бу дунё бизни охиратдан чалғитиб қўйган. Фақат дунё ҳақида ўйлайдиган, унинг учун яшайдиган бўлиб қолганмиз. Шунинг учун ҳам охират учун бирор ҳаракат қилиш, унинг учун вақт сарфлаш бизга оғир туюлади. Агар ҳамма ишимизни охиратимизни ўйлаб, Аллоҳнинг розилиги учун қиладиган бўлсак, вақтимиз баракали ва серунум бўлади.

Яна айтаманки, Аллоҳнинг жаннати қимматбаходир, унга уйқу бандалари, ғофиллар, осий ва дангасалар эриша олмайдилар. Билъакс, унга эришиш учун саъй-ҳаракат қилиш, қўлдан келганча маблағ сарфлаш талаб этилади. Ҳаётини Аллоҳ йўлига сафарбар этган киши билан умрини шайтон йўлига, маъсият йўлига сарфлаган тенг бўлмас.

Ўтган солиҳларнинг ҳаётига боқсак, Аллоҳ азза ва жалла уларни бутун ҳаётлари давомида солиҳ амалларга мушарраф қилиб қўйганини кўрамиз. Ҳар биримиз улардан ибрат ва намуна олиб яшашга интилайлик.

Ал-Алий, ал-Қодийр, Маликул-мулк, Роббуларбоб ва Мунзилул-китоб бўлмиш Аллоҳ таолодан сўрайманки, вақтларимизни, амалларимизни ва интилишларимизни баракотли қилсин. Тоатида, нафсимизга қарши курашда Ўзи мадаккор бўлсин. Токи бу курашда ғолиб келайлик ва ўзимизни дунёга ва шайтонга қулликдан озод этайлик. Олий жаннатларга кўтарилайлик. Аллоҳ буни бизга насиб қила олувчи қодир Зотдир.

Охирги чорловимиз – оламлар Робби бўлмиш Аллоҳга ҳамдлар айтишдир.

Муслималар форумидан Гулшоода тайёрлади.

ТАРОВЕҲ ЛИБОСЛАРИ



БЕПАРВО БЎЛМАНГ...

«Одамлардан четланиб, уларнинг мусибатларига шерик бўлмайдиганлардан кўра одамлар орасида бўлиб, уларга мусибатларида шерик бўладиганларга Аллоҳ кўпроқ ажр беради».

(Термизий Ҳассон Алидан ривоят қилган ҳадисдан.)

«Дарднинг бегонаси бўлмайди». Кўп ишлатиладиган бу ибора инсоннинг бошқа ҳожатманд инсонлар ҳақида қайғуришидек олий бир фазилатни ифодалайди. Кўпчиликнинг фикрича, ҳозир замон ўзгарган, ҳозир бу ибора амалда эмас, фақат минбарлардаги чиройли нутқларда кўлланилади...

Балки, замон эмас, одамлар ўзгаргандир? Балки, биз бошқаларнинг ғамига бефарқ бўлиб қолгандирмиз?

Ҳозирда Аллоҳнинг раҳмати билан юртимизда яшаш шароитлари ҳар томонлама энгиллашган: краннинг жўмрагини бурасангиз, иссиқ сув оқади, турли транспортлар билан узок масофалар ҳам яқин, телефон, компьютер орқали бошқа китъалар билан ҳам осонгина боғланиш мумкин. Бироқ инсоният янада кўпроғига эришишга интилмоқда, қалб хотиржамлиги эмас, «қорин тўйдириш» ғамида сарсон-саргардон...

Бугунги технология, тараққиёт ва тинимсиз ҳаракат асрида атрофдагиларга нисбатан бефарқ ва лоқайд бўлиб қолдик. Замоनावий турмуш тарзи инсонлардан имкониятларни жамлай олишни талаб этади. Бу эса инсоннинг энг минимал қулайликларга эга бўлишини таъминлайди.

Инсон дунёвий ишлар ортидан қувар экан, эҳтиёж ортидан эҳтиёж чиқаверади, натижада унинг маънавий кадриятларига путур ета бошлайди. Яхшилик ва ёмонликнинг чегараси эса кумга тортилган чизик каби, асримизга хос бўлган иродасизлик тўлкини билан ювилиб кетмоқда.

Бу эса маънавий таназзулнинг ўзгинасидир. Айниқса, ёшларнинг тушунчасида нима оқу, нима қора эканлиги тушунарсиз. Фақатгина бир нарса кундек равшан – ҳамма ўзи учун курашиши керак, бегонанинг ғамини эса фақат ўша бегонанинг ўзи ейиши лозим.

Бу ўзини ўзи ҳимоя қилишнинг табиий элементи бўлиши ҳам мумкинми? Балки, замоनावий таомил ва расм-русумларга «карамлик» туфайли қалбимизнинг қаттиқлашгани ўзимизнинг фойдамизгадир? Инсон туғилиши билан унинг дунёсининг муҳим қисмини унга энг яқин бўлган, у ҳар соатда дуч келадиган муҳит эгаллайди. Шу тариқа инсон ўз қондошлари ва яқинларига боғланиб қолади. Шунинг учун ҳам биз яқин инсонларимизнинг қайғу ва ғамларига эътибор билан қараймиз, улар учун қайғураемиз.

Бировнинг ғами деймиз, лекин унутамизки, у кимники бўлишидан қатъи назар, ғам-ташвишдир, мусибатдир. Лекин ўзгаларнинг ғами бизни заррача ташвишга солмайди. Бу ерда ўзгаларнинг бошига тушган ғам-ташвиш эмас, бизнинг уларга нисбатан бефарқлигимиз асл мусибатдир.

Аслида ҳар қандай ахлоқий (маънавий) таълимот инсониятни меҳр-мурувватга, ҳамдардликка чорлайди. Ислом эса бу мавзуга алоҳида урғу беради.

«Албатта, инсон «ҳалуъ» қилиб яратилгандир. Қачон унга ёмонлик етса, чидамсиздир» *(Маъориж сураси, 19-20-оятлар).*

«Ҳалуъ» сўзи ҳирс, зажр, чидамсизлик ва сабрсизлик маъноларини мужассамлаштиради.

Аллоҳ таолога холис муҳаббат қилган ҳақиқий мусулмон Аллоҳ таоло яратган барча мавжудотларга ҳам муҳаббат қилади. Чин мўмин банда биладикки, агар у Яратганининг ердаги бандаларига марҳамат кўрсатса, демак, шунинг ўзи Яратганининг унга кўрсатган марҳаматидандир.

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоху анху Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламдан ривоят қилади: **«Раҳмиларга Раҳмон раҳм қилади. Сизлар ердагиларга раҳм қилинглар. Шунда осмондаги Зот сизларга раҳм қилади.** (Силаи) **раҳм «ар-Раҳмон»дан олинган. Ким уни боғласа, Аллоҳ уни боғлайди. Ким уни узса, Аллоҳ уни узди»** *(Термизий ва Байҳақий ривоят қилишган. Ривоят санади саҳиҳ).*

Кўриниб турибдики, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам инсонларни раҳм-шафқатли, меҳрибон бўлишга қақирган, токи мусулмон жамияти аъзолари ўртасида ҳеч қачон самимий муҳаббат, ўзаро ғамхўрлик ва оқибат кўтарилмасин.

Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоху алайҳи васаллам ўзлари бу борада олий намуна бўлганлар. У зот ҳаммиша атрофдагиларга нисбатан ғамхўр, раҳмдил, мушфик ва эътиборли эдилар. Ривоят қилинадикки, жамоат намози вақтида Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам боланинг йиғисини эшитиб, унинг онасини хавотирга қўймаслик учун намозни тезлатганлар. Мусулмонларнинг кўпчилиги эса ўз «мен»и билан овора бўлиб, бу насиҳат ва йўл-йўриқларни унутиб қўймоқда.

Бу ҳолатни кўриб, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг «Ўзингга фойда келтирадиган нарсага интил, Аллоҳдан ёрдам сўра», деган сўзлари нақадар пурмаъно ва фойдали эканини, шу жумла билан бу дунёда ҳам, охирадта ҳам саодатга эришиш йўлини айтиб берганларини тадабур қилиш мумкин.

Бироқ ҳали ноумид эмасмиз. Дунёдаги ҳамма одамлар ҳам ўз муаммолари гирдобига шўнғиб, атрофдагиларни унутиб қўйган, демаймиз. Ишни ўзимизни ислоҳ қилишдан бошласаккина, атрофдаги ҳолатнинг ўзгаришига таъсир қила оламиз. Бир қарашда кишига атрофдаги ҳамма нарсага кўз юмиш, «ҳамма ўзи учун» қабилда яшаш осонроқ туюлади. Лекин атрофдагиларга фойда келтириб, ёрдамга муҳтожлар томон қадам ташлашни бошлашингиз билан сизнинг атрофингизда ҳам ғамхўр, эътиборли ва меҳрибон инсонлар кўпая бошлаганини ҳис қиласиз.

Манба: Islamonline. □ у. Рус тилидан Зарнигор Аҳмадалиева таржумаси.

Рамазон бир ойлик байрамдир. Бу байрам болаларимиз учун хосиятли ўтиши борасида баъзи тавсияларни бермоқчимиз.

Демак, Рамазон ойи хосиятли ўтиши учун бир нечта насиҳатлар:

1. Рамазон ойида оилавий учрашувлар уюштиринг.

Рамазонга бир ҳафта қолганда бутун оилани йиғинг. Оиланинг ҳар бир аъзоси Рамазон ҳақида ўз билганларини гапириб берсин. Рамазоннинг бошланишини қандай аниқлаймиз, Рамазонда мусулмонлар нималар қилишлари ёки қилмасликлари керак, ким Рамазонда нималар билан машғул бўлмоқчи, шулар ҳақида суҳбатлашиб, фикр алмашинг.

2. Рамазонни кутиб олинг. Буни фарзандларингизнинг фантазиясига қўйиб беринг. Улар ўз-

са ҳам, уни мукофотланг. Ифторга эса унинг яхши кўрган таомларидан бирини тайёрлаб беринг.

5. Жиянларингизга совғалар тайёрланг. Амаюхолалар билан маслаҳатлашиб, кичик халтачаларда совғалар тайёрланг. Бу халтачаларни ҳар хил ширинликлар, қаламлар, Рамазон ҳақида қисқача маълумотлар ёзилган откриткалар билан тўлдириш мумкин. Бу совғаларни Рамазондан олдин жиянларингизга улашинг.

6. Барча жиянларни йиғиб, Рамазон ҳақида презентация ўтказинг. Бир кунни тайин қилиб, турли викторина саволларига жавоб бериш, қрассвордлар ечиш мусобақасини ўтказинг. Бошқа динлар билан Ислом динининг рўза тутиш одобларини қиёсланг. Бунга фарзандларингизни масъул қилинг. Бу масъулиятни улар албатта бажарадилар.

БОЛАЛАР УЧУН РАМАЗОН

ларининг фантазиялари билан уни кутиб олишга тайёргарлик кўришсин. Балки, улар уйни шарлар, ҳар хил, мисол учун, «Рамазон мубарак!» деб ёзилган плакатлар билан безашар.

3. Ҳар оқшом Рамазон ҳақида қисқа ҳикоялар сўзлаб беринг. Бу ҳикояларни болалар учун ёзилган китоблардан топиш мумкин. Ҳикоялар жуда узун бўлмагани маъқул. Сиз болалигингизда Рамазон ойлари қандай ўтказилгани, илк марта тутган рўзангиз ҳақида сўзлаб беринг.

4. Кичик ёшдаги фарзандингизга куннинг оз қисмида бўлса ҳам рўза тутишга рухсат беринг. Кичик ёшдаги болалар катталарнинг рўза тутишларини кўриб, уларга таклид қилишни истайдилар. Уларда ҳам рўза тутишга иштиёқ пайдо бўлади. Унинг бу иштиёқини сўндирманг. Рухсат беринг ва икки соатгина сабр қилган бўл-

7. Рамазонга оид расмлар ишлаб чиқинг. Расм Рамазон ҳақида билимларни ошириш учун қулай имкониятдир. Фарзандларингиз ойнанинг турли кўринишларини чизсинлар. Бу кўринишлар асосида ойнанинг боши, ўртаси, сўнгги қунларига изоҳ берсинлар. Ифтор учун сеvimли таомлар тасвирланган плакат ясанг. Албатта, бунинг учун чизиш шарт эмас, журнал ва газеталардан қирқиб олинган расмлардан фойдаланиш ҳам мумкин. Ифтор байрами учун махсус идиш, байрамона коса, пиёлаларни яшаш, бунинг учун бир марталик идишларни рангли қоғозлар билан безаш ёки бўяш мумкин.

8. Ойни кўриш учун бир кунни ажратинг. Ухлашга ётишдан олдин фарзандларингиз билан ой жуда яхши кўринадиган тарафга боринг. Бунинг



учун машинада бориш шарт эмас, пиёда бориб ёки ҳовлидан туриб ҳам ойни кузатиш мумкин. Қани энди ойни томоша қилиш учун фарзандингизда биноколь ёки телескоп бўлса, нур устига аъло нур бўларди.

9. Фарзандингизнинг дўстларини ифторга таклиф қилинг. Ифтор дастурхонига болалар учун таом тайёрланг. Ўзлари истаган дўстларини таклиф қилиб, ифтор таомномасини ҳам ўзлари тузишсин. Таом шоҳона бўлиши шарт эмас, оддий бўлса ҳам бўлаверади. Мухими, уни тайёрлаш жараёнида уларнинг ёрдами. Бу ўринда рўзадорларга ифтор қилиб беришнинг савобини тушунтириш эсдан чиқмасин.

10. Бувилари ва боболари, ёши улуғлар учун ҳам ифтор уюштиринг. Ифтордан сўнг катталардан Рамазон тарихи ҳақида сўзлаб беришларини илтимос қилинг. Уларнинг даврларида қандай рўза тутилди, ифтор ва сахарликни нималар билан қилишарди, ҳозирги кун билан у кунларнинг фарқи ҳақида, биринчи рўза тутган кунлари ва ҳоказолар ҳақида гапириб беришларини илтимос қилинг.

11. Якшанба кунлари иложи бўлса, фарзандингизни таровеҳ намозига олиб бординг. Ахир

масжид – Аллоҳнинг уйи. Масжиддан бошқа яна қайси жойда Рамазон шукуҳини яхшироқ ҳис қилишлари мумкин?! Масжидга кетишдан аввал тежаб йиққан пулларида садақа, эҳсон қилиш учун олишни унутишмасин.

12. Мискин ва камбағалларни эсга олинг. Эҳсон қилиш учун бир кунни ажратинг. Ёрдамга муҳтож оилаларни топиб, уларга ёрдам беринг. Болаларингиз сиз билан бирга зарур бўлган харажатларни қилиб, эҳсонларни тарқатишга ёрдам беришсин.

13. Ўз қўлларингиз билан откриткалар ясаб, уларни тарқатинг. Рамазон ойи бошланмасидан бувилари, боболари, аммахолалари, амакитоғаларига, узоқ қариндошларга бу откриткаларни юборинг ёки олиб бориб беринг.

14. Салавот ва нашидалар айтинг. Болалар ўйнаётган вақтда турли нашидалар куйланг. Ўз она тилида бўлса, ундан ҳам яхши. Ёки мактабда ўқитиладиган чет тилида, масалан, инглиз тилида айтсангиз, мақсадга мувофиқ бўлади. Нашиданинг сўзларини фарзандларингиз билан бирга ёд олинг.

15. «Рамазон – 2014» китобчасини ясанг.

Бутун ой давомида кундалик юритинг. Кундалик кўзга кўринадиган ерда турсин. Оиланинг ҳар бир аъзоси унга ўз таассуротларини ёза олсин. Ой бошида фарзандингиз ўз олдига Рамазон ойида бажариши лозим бўлган учта режани мақсад қилиб қўйсин. Рамазон ҳайитида якун ясаб, хулоса қилинг. Кундаликдан парчалар ўкиб беринг. Ким ўзининг учта мақсадини бажарган бўлса, уни тақдирланг. Қолганларни ҳам совғасиз қўйманг.

Энг асосийси, вақитингизни беҳуда ўтказманг. Фарзандларингиз билан бирга Қуръон тиловат қилинг, ёд олинг.

Рамазон ойида ҳосил қилган савобли амалларингиз сизни йил давомида тарк этмасин!

Дилором Ғозиева



9 – دَعْوَةُ إِبْرَاهِيمَ

وَدَعَا إِبْرَاهِيمُ قَوْمَهُ إِلَى اللَّهِ، وَمَنْعَهُمْ مِنْ عِبَادَةِ الْأَصْنَامِ. قَالَ
إِبْرَاهِيمُ لِقَوْمِهِ: مَا تَعْبُدُونَ؟ (قَالُوا نَعْبُدُ أَصْنَامًا) [الشعراء: 71].
قَالَ إِبْرَاهِيمُ: (هَلْ يَسْمَعُونَكُمْ إِذْ تَدْعُونَ؟) (أَوْ يَنْفَعُونَكُمْ أَوْ
يُضُرُّونَ) (قَالُوا بَلْ وَحَدَّنَا آبَاءَنَا كَذَلِكَ يَفْعَلُونَ) [الشعراء: 72]-
[74].

قَالَ إِبْرَاهِيمُ: فَأَنَا لَا أَعْبُدُ هَذِهِ الْأَصْنَامَ. بَلْ أَنَا عَدُوٌّ لِهَذِهِ
الْأَصْنَامِ. أَنَا أَعْبُدُ رَبَّ الْعَالَمِينَ.

(الَّذِي خَلَقَنِي فَهُوَ يَهْدِينِ) (وَالَّذِي هُوَ يُطْعِمُنِي وَيَسْقِينِ)
(وَإِذَا مَرِضْتُ فَهُوَ يَشْفِينِ) (وَالَّذِي يُمِيتُنِي ثُمَّ يُحْيِينِ) [الشعراء:
78-81].

وَإِنَّ الْأَصْنَامَ لَا تَخْلُقُ وَلَا تَهْدِي. وَإِنَّهَا لَا تَطْعَمُ أَحَدًا وَلَا
تَسْقِي. وَإِذَا مَرِضَ أَحَدٌ فَهِيَ لَا تَشْفِي. وَإِنَّهَا لَا تُمِيتُ أَحَدًا وَلَا
تُحْيِي.

9 – ИБРОҲИМ АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ
ДАЪВАТИ

Иброҳим алайҳиссалом ўз қавмини Аллоҳга даъват қилди ва уларни бутларга ибодат қилишдан қайтарди. Иброҳим алайҳиссалом қавмига: «**Нимага ибодат қилмоқдасизлар?**» деди (*Шуаро сураси, 70-оят*). Улар: «**Санамларга ибодат қилмоқдамиз**», дейишди (*71-оят*). Иброҳим алайҳиссалом: «**Илтижо қилганингизда улар сизни эшитадиларми ёхуд наф ёки зарар етказа оладиларми?**» деди (*72-73-оятлар*). Улар: «**Йўқ, биз ота-боболаримизнинг шундай қилаётганларини кўрдик**», дейишди (*74-оят*).

Иброҳим алайҳиссалом: «Мен бу бутларга ибодат қилмайман, аксинча, мен бу бутларга душманман», дедилар. «Мен оламларнинг Роббига ибодат қиламан.

«У мени яратган. Бас, мени ҳидоят қиладиган ҳам Унинг Ўзи. Ва мени таомлантирадиган ва суғорадиган ҳам Унинг Ўзи. Бемор бўлганимда менга шифо берадиган ҳам Унинг Ўзи. Мени ўлдирадиган, сўнгра тирилтирадиган ҳам Унинг Ўзи» (*78-81-оятлар*).

Албатта, бутлар яратмайди ҳам, ҳидоят ҳам қилмайди. Албатта, улар бирор зотни таомлантира олмайдими...

Агар бирор киши бемор бўлиб қолса, шифо беролмайди. Албатта, улар бирор кишини ўлдиролмайди ҳам, тирилтиролмайди ҳам.

10 – أَمَامَ الْمَلِكِ

كَانَ فِي الْمَدِينَةِ مَلِكٌ كَبِيرٌ جَدًّا، وَظَالِمٌ جَدًّا. وَكَانَ النَّاسُ
يَسْجُدُونَ لِلْمَلِكِ. وَسَمِعَ الْمَلِكُ أَنَّ إِبْرَاهِيمَ يَسْجُدُ لِلَّهِ وَلَا يَسْجُدُ
لِأَحَدٍ. فَغَضِبَ الْمَلِكُ وَطَلَبَ إِبْرَاهِيمَ. وَجَاءَ إِبْرَاهِيمَ، وَكَانَ إِبْرَاهِيمُ
لَا يَخَافُ أَحَدًا إِلَّا اللَّهَ.

قَالَ الْمَلِكُ: مَنْ رَبُّكَ يَا إِبْرَاهِيمُ؟

قَالَ إِبْرَاهِيمُ: رَبِّي اللَّهُ!

قَالَ الْمَلِكُ: مَنِ اللَّهُ يَا إِبْرَاهِيمُ؟

قَالَ إِبْرَاهِيمُ: (الَّذِي يُحْيِي وَيُمِيتُ) [البقرة: 258].

قَالَ الْمَلِكُ: أَنَا أَحَبُّ وَأَمِيَّتُ.

وَدَعَا الْمَلِكُ رَجُلًا وَقَتَلَهُ. وَدَعَا رَجُلًا آخَرَ وَتَرَكَهُ. وَقَالَ: أَنَا
أَحَبُّ وَأَمِيَّتُ، قَتَلْتُ رَجُلًا وَتَرَكَتُ رَجُلًا. وَكَانَ الْمَلِكُ بَلِيدًا جَدًّا،
وَكَذَلِكَ كُلُّ مُشْرِكٍ. وَأَرَادَ إِبْرَاهِيمُ أَنْ يَفْهَمَ الْمَلِكُ، وَيَفْهَمَ قَوْمَهُ.
فَقَالَ إِبْرَاهِيمُ لِلْمَلِكِ: (فَإِنَّ اللَّهَ يَأْتِي بِالشَّمْسِ مِنَ الْمَشْرِقِ فَأْتِ بِهَا
مِنَ الْمَغْرِبِ) [البقرة: 258].

فَتَحَيَّرَ الْمَلِكُ وَسَكَتَ. وَحَجَلَ الْمَلِكُ وَمَا وَجَدَ جَوَابًا.

10 – ПОДШОҲ ОЛДИДА

Шахарда жуда катта, ниҳоятда золим подшоҳ бор эди. Одамлар ўша подшоҳга сажда қилишарди. Подшоҳ эшитдики, Иброҳим алайҳиссалом Аллоҳга сажда қиладилар, Ундан бошқа ҳеч бир зотга сажда қилмайдилар. Подшоҳ бундан ғазабланди ва Иброҳим алайҳиссаломни (чақиришни) буюрди. Иброҳим алайҳиссалом унинг олдида келдилар. У зот Аллоҳдан бошқа ҳеч кимдан кўркмас эдилар. Подшоҳ: «Роббинг ким?» деди. Иброҳим алайҳиссалом: «Роббим Аллоҳ!» дедилар. Подшоҳ: «Эй Иброҳим! Аллоҳ ким?» деди. Иброҳим алайҳиссалом: «**У тирилтирувчи ва ўлдирувчидир**», дедилар (*Бақара сураси, 258-оят*). Подшоҳ деди: «Мен ҳам тирилтираман ва ўлдираман». Подшоҳ бир кишини келтириб, уни ўлдирди. Яна бир кишини келтирди, уни ўлдирмади. Подшоҳ: «Мен тирилтираман ва ўлдираман, бир кишини ўлдирдим ва бирини ўлдирмадим», деди. Подшоҳ ҳам, барча мушриклар ҳам нодон эди. Иброҳим алайҳиссалом подшоҳга ва қавмига ту-

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Рамазон рўзасини бизларга фарз қилган ва «Бандамнинг барча ибодатлари ўзи учун, тутган рўзаси эса Мен учун», деган Аллоҳ субҳанаҳу ва таолога ўзи рози бўладиган даражада ҳамду санолар бўлсин!

Рўза амалини қандай адо этишни ҳадислари орқали таълим бериб кетган Ҳабибимиз Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга дуруду салаотлар бўлсин!

Барчамизга маълумки, рўза Ислом рукнларидан бири бўлиб, ушбу амал мусулмон бўлган ва балоғатга етган, соғлиги кўтарган ҳар бир кишига фарздир. Шу билан бирга, рўза инсонга ўзини тарбиялашда ва хулқини сайқаллашда, гўзал ахлоқларга одатлантиришда жуда катта ёрдам берувчи восита ҳам ҳисобланади. Чунки рўзадор ўзини нафақат таом ва шаробдан, балки тилини, кўзини ҳам ёмонликлардан тийиши лозим. Шундагина у рўзасини мукамал тарзда адо қилган бўлади.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким ёлғон гапиришни ва унга амал қилишни қўймаса, унинг таоми ва шаробини тарк қилишга Аллоҳнинг эҳтиёжи йўқ», дедилар».

Бешовларидан фақат Муслим ривоят қилмаган.

Ислом дини ва таълимоти бўйича мусулмон инсон тилини доимо ёмон сўзлардан, беҳуда гаплардан тиймоғи лозим. Рўзадор мусулмон учун эса бу таъкид яна ҳам кучли бўлади. Уламоларимиз «Ушбу ҳадисдаги «ёлғон гапириш»га ғийбатчилик, чақимчилик, иғво ва бўҳтонлар ҳам киради», дейдилар. Шунингдек, «Унга амал қилишга Аллоҳ таолонинг ва Унинг Расулининг норозилигига сабаб бўладиган ҳар бир иш киради», дейдилар.

Демак, рўза тутган одам ўзини нафақат таом ва шаробдан, балки номаъқул гап-сўз ва ишлардан ҳам тиймоғи лозим. Зотан, ўзини таом ва шаробдан тийиб туриб, ёлғон, иғво, чақимчилик, ғийбат, бўҳтон сўзларни гапираверишдан, ношаръий ишларни қилаверишдан нима фойда бор? Ёки унинг оч қолишига, чанқашига Аллоҳнинг эҳтиёжи борми?

Афсуски, ҳаётимизда ушбу ҳақиқатни унутиб қўямиз. Ичимизда рўзани тутиб олиб, кун бўйи беҳуда гап-сўзлар, ишлар билан машғул бўладиганлар жуда кўп. Ҳатто орамизда мусулмонларнинг устидан ғийбат, чақимчилик, бўҳтон қиладиганлар ҳам йўқ эмас. Ҳеч биримиз ёлғон сўз ва унга амал қилиш рўзанинг савобини бутунлай кетказишини мутлақо унутмаслигимиз лозим.

РЎЗАДОРНИНГ ОДОБЛАРИ

Рўзадор нафақат ўзини, балки атрофидагиларни – яқинларини, дўстларини ҳам ёмон одатлар ва турли беодобликлардан қайтариши, бошқалар билан бўлган муомалада одоб қоидаларига амал қилиши лозим. Бу борада Набийимиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан куйидаги ҳадис ворид бўлган:

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Қачон бирортангиз рўзадор ҳолида бўлса, беҳаё сўзларни гапирмасин ва жохиллик ҳам қилмасин. Агар биров у билан сўқишмоқчи ёки урушмоқчи бўлса, «Мен рўзадорман, мен рўзадорман», десин», дедилар».

Бешовлари ривоят қилишган.

Рамазон давомида юқорида ўрганган ҳадисларимизга оғишмай амал қилсак, иншааллоҳ, Аллоҳ таоло ва Унинг расули бўлган Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга хуш келувчи гўзал одоб ва ахлоқлар соҳибига айланамиз.

Аллоҳим, бизларни энг гўзал ахлоқларга ҳидоят қилгин! Ёмон хулқлардан ўзинг буриб юборгин! Омин!

Зайнаб тайёрлади.



Ибрат илмни, зикр Аллоҳ севгисини, тафаккур Аллоҳ олдидаги курқувни зиёда қилади.

Ҳотами Асом

Ҳар қандай саволга жавоб бериш мумкин, фақат у тўғри берилса бас.

Афлотун

Билимлар кўплигига эмас, фикрлар мўллигига интилиш жоиз.

Демокрит

Парвардигорим, мени муҳаббатингга солганинг, зикрингга ошно қилганинг ҳамда азаматингни тафаккур қилдирганинг билан муқаррам этганинг олдида жаннат мен учун чивин қанотича қийматга эга эмас.

Иброҳим Адҳам

Ёлғиз қолиш бизни доимо одамлар кўз ўнгида яшаш заруриятидан ва шунинг баробарида уларнинг фикри билан ҳисоблашишдан қутқаради.

Артур Шопенгауер

Фикрларингизга эҳтиёт бўлинг, улар қилмишларингиз ибтидосидир.

Лао Цзи

Вақт нафақат одамлар, балки обида-ёдгорликлар устидан ҳам ҳукмронлик қилади.

Иоганн Гёте

Оқиллар зикрдан тафаккурга, тафаккурдан зикрга ўтадилар. Қалбларининг гапиришини талаб қилдилар. Ва ниҳоят, қалблари ҳикматли сўзларни айта бошлайди.

Ҳасан Басрий

Фикрлаш бир ойнадир, сенга яхши ва ёмон амалларингни кўрсатади.

Фузайл ибн Иёз

Фикрларни эмас, фикрлашни ўргатмоқ керак.

Иммануил Кант

Билишнинг икки кўриниши мавжуд: бири туйғулар воситасида билиш, иккинчиси тафаккур ила билишдир.

Демокрит

Одамлар ўзлари яхши билмайдиган нарсаларга бошқа нарсалардан кўра кўпроқ ишонишади.

Монтен

Мажлисларнинг энг шарафлиси ва энг олийси тавҳид соҳасида тафаккур қилиб ўтирмоқ, маърифат шамоли билан елпинмоқ, муҳаббат косасида дўстлик дарёсидан сув ичмоқ ва Тангрига хусни зонн (яхши хаёл билан) назар қилишдир.

Жунайид Бағдодий

Фикр – қалбга кирувчи нурдир.

Суфён ибн Уяйна

Менинг ишим ҳақиқатни айтиш, аммо унга ишонишга мажбур этиш эмас.

Жан Жак Руссо

Фикр дунё лаззатларини кетказди ва охират лаззатларини бой бериш улкан йўқотиш эканини англади.

Абу Ҳомид Фаззолий

Либос (Шу номли папкадаги расм ва куйидаги жумлалар қўйилади) Таровех намози учун либослар



1. Иситиладиган паловнинг гуручи эзилиб кетмаслиги учун унга озгина қора чой қўшиб юборинг.
2. Сабзавотларни буғда димлаб пиширсангиз, ундаги витаминлар ва керакли моддалар яхши сақланиб қолади.
3. Олма, беҳи, лимон ва апельсин каби меваларни дастурхонга тортишдан олдин қайноқ сувда чайиб юборсангиз, хушбўй ҳиди гуркираб кетади.



4. Жазирима иссиқ кунларда музлатгич ишдан чиқса, сифати тез бузиладиган маҳсулотлар – пишлоқ ва сарийғни дарҳол шиша ёки чинни идишларга солиб, қопқоғини маҳкам ёпиш зарур. Сўнг идиши билан сув қуйилган тоғоралар ичига солиб, идишларнинг юқори томонини ҳўл сочиқлар билан ўраб қўйиш керак.

5. Жун ипдан тўқилган кийимни иссиқ сувда эмас, салгина илиқ сувда ювилади. Олдин сувга кир ювиш кукунини солиб, кўпиртириб олинади. Сўнг буюмни шу сувга ботириб, қаттиқ ишқаламай ювилади. Совуқ сувда 2-3 марта чайгандан сўнг, озгинагина кир ювиш кукунини кўпиртирилган тоза сувга ботириб олинса, юмшоқ ва сергук бўлиб қурийд. Кийимнинг сувини сочиқ ёки тоза чойшабга шимдириб олиб, сўнг текис жойга тоза чойшаб тўшаб, унинг устига ёйиб қуритишни унутманг.

6. Тукли сочиқни ювиб, чайиб бўлгандан кейин, бир оз туз қўшилган сувга солиб қўйинг. Сўнг яхшилаб сиқиб, қокилгандан сўнг ёйилса, туклари пахмайиб, юмшоқ бўлиб қурийд.

7. Ранги чиқадиган кийим-кечаклар, ёстиқ жилдлари каби буюмларни, жуда кир бўлиб кетган дераза пардаларини бир неча дақиқа тузли сувга ивитиб қўйиб, сўнг ювсангиз, айнамайди, яхши очилади. Туз бир челақ сувга бир ош қошиқ миқдорида солинади.

8. Кирсовунда ишқор ва ҳар хил кислоталар кўп бўлади. Уни ишлатганда, айниқса кир ювганда қўллар дағаллашиб, тери ёрилиши мумкин. Шунинг учун бу совунда кир ювиб бўлгач, қўлга бирон хил крем ёки вазелин суртинг.

9. Қўл кирмайдиган чинни ва шиша буюмлар ичига қайноқ сув қуйиб, ғижимланган қоғоз солинг ва яхшилаб чайқатинг. Буюмингиз топ-тоза бўлади.

10. Мабодо дазмол қилаётганда газмоли ипли қўйлагингизни, дастурхон, сочиқ каби буюмларни куйдириб қўйган бўлсангиз, сув қўшилган қатикқа ўша ернинг ўзини бир неча соатга ивитиб қўйинг. Чайиб ташлангиз, доғдан асар ҳам қолмайди.

11. Кийимга теккан қизил ёки сариқ доғларни лимон кислотаси ёки оксалат кислотаси билан осон кетказса бўлади.

12. Бензин ва мойли бўёқ ишлатганингизда қўлингиздан уни ҳидини йўқотиш анча қийин. Совун билан ювиш ҳам ҳидни кетказмайди. Лекин қўлингизни ювадиган сувга озгина куруқ ханталдан қўшсангиз, терингизда ҳеч қандай доғ ҳам, хид ҳам қолмайди.

13. Сирли идишда овқат пишираётганда таги олса, идишга сув ва истеъмол содаси солиб (икки литр сувга бир чой қошиқ миқдорида) қайнатинг. Агар истеъмол содангиз бўлмаса, унинг ўрнига 2-3 бош пиёз ишлатишингиз ҳам мумкин.

14. Дазмол босишдан қолган сариқ доғлар водород пероксиди билан (ярим стакан сувга бир чой қошиқ солинади), рангли ипак ва жун газламалардаги доғлар денатурант спирти билан артилади. Ёки пиёзнинг ўртасидан кесиб, ундан чиққан сувни матонинг сарғайган жойига томизинг ва совуқ сувда чайиб ташланг.

15. Шоколаддан қолган доғни кетказиш учун кийимни шўр сувга ботириб қуйиш керак.

16. Кумуш тақинчоқларни тозалаш учун лимон шарбати юмшоқ матони ботириб, у билан артинг.

17. Балиқнинг янги тutilган ёки туриб қолганини текшириш учун уни сувга солиб кўриш керак. Агар балиқ чўкса, демак, янги тutilган бўлади.

18. Пирог товага ёпишиб қолиб, кўчиши қийин бўлса, товани бир-икки дақиқага сувга қўйиб туриш керак. Шунда пирог осонгина кўчади.

19. Торт ва пирожнийларга ёнғоқ қўшмоқчи бўлсангиз, уни олдин газ печида қиздириб олинг. Пиширик янада хушбуй бўлади.

20. Пирог пишираётганда газ печи эшигини қарсиллатиб ёпманг. Акс ҳолда кўтарилаётган пирог «ўтириб» қолиши мумкин.

Гўзал Дадамухамедова тайёрлади

Аёллар уруғи



ЮЗ ВА СОЧ ПАРВАРИШИ УЧУН... ПИЁЗ?

Пиёз суви табиий антибиотик ҳисобланиб, бизни шамоллашдан ҳимоя қилади. Шу билан бирга, у бутун организмдаги моддалар алмашинувини тўғри изга солиш, қонни тозалаш, юз ва бадандаги салқинларни барта раф этиш хусусиятига эгадир.

– Пиёздан юз парвариши учун фойдаланилганда юздаги бир қанча муаммолардан халос бўлиш мумкин. Бир дона пиёзни қирғичдан чиқариб, сувини сиқиб олинади. Сўнгра 10-15 дақиқага юзга суртилади. Бу муолажа юздаги хуснбузар ва пигмент доғлардан қутулишда ёрдам беради.

Тўғри, пиёз юз терисини бироз ачиштириши мумкин. Лекин бунинг олдини олиш усули бор. Пиёз сувини юзга суртгач, бироз сингишини кутиб, устидан қалин қилиб сметана суртинг. 10 дақиқадан кейин илиқ сувда ювгач, ўз кремнингизни суртаверинг.

Ёзда эса пиёз терини офтоб уришидан, қорайишдан сақлайди. Бунинг учун бир бош пиёзни қирғичдан ўтказинг, у бўтқа шаклига келади. Кейин юз ва баданингизнинг очиқ жойларига суртинг.

Пиёз майда ажинларни кетказиб, янгилари пайдо бўлишининг олдини олади. Сочларингизнинг соғлом жилосини тиклаб, тўкилишига йўл қўймайди

АЖИНЛАРГА ҚАРШИ ПИЁЗЛИ НИҚОБ

Бу ниқоб учун асалари муми, асал ва пиёзнинг сиқиб олинган шарбати керак бўлади.

Озгина мумни эритиб, унга 2 ош қошиқ пиёз суви ва бир ош қошиқ асал солинг. Уни совигунича аралаштиринг ва 10-15 дақиқага юзингизга суртиб қўйинг. Кейин эса сув ёки шифобахш ўтлар дамламасига ботирилган пахта билан артиб олинг.

Асалари мумини топишга қийналсангиз, пиёз суви ва асалнинг ўзини ишлатаверинг. Фақат юз териси ёғли бўлса, бу аралашмага тухум окини, қуруқ бўлса, саригини қўшишга тўғри келади.

Пиёз кўзни ёшлантормаслиги учун ниқоб суртаётган пайтда қовоқ устига мойчечак дамламаси ёки чой шимдирилган пахта қўйинг.

Юз териси қаришининг олдини олиш учун пиёзли тадбирни бир йилда бир марта ўтказиш керак. Бу сеанс 10-12 кун, кунора давом этади.

Сочларнинг учи гулламасин, қазғоқ тушмасин десангиз, пиёзни қирғичдан ўтказиб, ниқоб қилинг. Фақат ундан сўнг бошни иссиқ сочиқ билан ўраш керак.

0,5 литр сув ва 0,5 литр олма сиркасини аралаштиринг. Сочингизга бир соатга суриб қўйилган пиёзли массани илиқ сувда ювгач, олма сиркали суюқлик билан чайинг. Шундан сўнг 5 дақиқа кутиб туринг-да, кейин яхши шампунь билан яхшилаб ювиб ташланг.

Гўзал тайёрлади.



Интиқиб кутганимиз Рамазон ойи кириб келди. Бу айда ибодатларга маҳкам бел боғлаб, ошхонадан узоклашгимиз келади. Афсус, бунинг имкони йўқ. Аёл бўлганимиз учун хаёлимизнинг бир четида «Бугун сахарликка нима тайёрласам экан?», «Эртага ифторга нима овқат қиламан?» деган саволлар айланиб туради. Агар уйда қариялар ёки гўдаклар бўлса, рўза тутолмаганлари боис, улар учун ҳам махсус таом тайёрлаш керак бўлади. Иссиқ кунда рўза тутиб, бир оз толиққан аёлларга иссиқда олов ёнида туриш малол келиши мумкин. Рамазон ойида сиз ўзингизга ошхона, таом тайёрлаш, маҳсулотларни тўғри тақисмлаш борасида бир қатор енгилликлар яратишингиз мумкин. Улар куйида келтирилади:

1. Рамазон ойида тайёрлашингиз мумкин бўлган 15 ёки 30 хил таом рўйхатини тузинг. Улар орасида тайёрлаш қийин бўлганларини ўчириб ташланг. Ўчириб ташлаганларингиз ўрнига бошқаларини ёзиб қўйинг. Таомлар бир хил бўлиб қолмаслигига аҳамият беринг. Бир кун гуручли, бир кун хамирли, бир кун яна бошқача таом бўлиши керак.

2. Бир варақ қоғоз олиб, унга Рамазоннинг нечанчи санасида қайси таомни тайёрлашингизни белгилаб чиқинг. Бунда сахарликка қуюқ таом, ифторликка суюқ таом бўлиши афзал кўрилади. (Рўйхат тузаётганда қайси санада сизни ифторликка чақиришганини ҳам белгилаб қўйинг. Ўша куни таом тайёрлаш шарт бўлмайди.)

3. Ҳар бир таом учун қанча маҳсулот зарурлигини ёзиб чиқинг. Турмуш ўртоғингиз билан керакли маҳсулотларнинг ҳаммасини аввалдан харид қилиб қўйинг. Чунки иссиқ кунда рўзадор ҳолда бозорга бориш ва ҳатто ёнгинангиздаги дўконга чиқиш ҳам малол келиб қолиши мумкин.

4. Рўйхатингизда бор ва аввалдан ярим тайёр ҳолга келтириш мумкин бўлган таомларни тайёрлаб, музлатгичга қўйиб қўйиш мумкин (чучвара, манти, котлет, тefтели, дўлма ва ҳоказо).

5. Мана энди Рамазон ойини хотиржам ўтказасиз. Ошхонада вақтингизни кетказиб, асабийлашмайсиз, Куръон қироат қилишга ва нафл намозларни кўпроқ ўқишга вақт топилади.

Искандар кабоб

Турк ошхонасида машҳур бу таомга керакли маҳсулотлар:

300 гр гўшт, 1 бош пиёз, сарёғ, 1,5 ош қошиқ томат пастаси, туз, шакар, ёпган нон, чучук қатик.

Тайёрланиши:

Аввалдан бир оз музлатиб олинган гўштни юпка паррак қилиб тўғраймиз. Эритилган сарёғда қизаргунча қовурамиз. Кейин унга паррак- паррак қилиб тўғралган пиёз солиб, қовуришда давом этамиз. Туз, мурч сепиб, пиёз юмшагач ва гўшт пишгач, аввалдан тўғралиб, ликопга жойланган нон устига соламиз. Алоҳида товада сарёғни эритиб, томат пастаси билан аралаштирамиз. Озгина шакар ва 1 стакан сув соламиз. Туз солиб, 5 дақиқа давомида қуйилгунча қайнатамиз. Тайёр соусни нон устига солинган гўштниг устидан қуямиз ва ёнига қатик солиб, кўкат сепиб, дастурхонга тортамыз.

Умму Муҳаммад Билол



ХОТИРЖАМЛИК САБАБИ

Тошкентнинг Ўрикзор даҳасида Абдуғаффор хожи исмли тақводор, ҳалим, оқибатли бир инсон бор эди (Худо раҳмат қилсин). Бир куни шу кишиникига ўғри тушди. Меҳмондорчиликдан қайтиб келган эр-хотин уйга киришди-ю, қандайдир кўнгилсиз воқеа бўлганини сезишди. Дарвоза берк турган ҳолда хона эшиklarининг қулфи бузилган, уй ичи эса ағдар-тўнтар бўлиб ётарди. Ўғрилар пул ва қимматбаҳо буюм ахтариб, ҳатто таҳмондаги кўрпаларни ҳам ерга ёзиб ташлашибди. Яқинда эски ҳовлиларини сотиб, етмиш минг доллар пулни Абдуғаффор хожи хотинига келтириб берган, у эса кўп ўйлаб ўтирмай, рўмолга тугилган пулларни қизларига атаб қоплатилган баҳмал кўрпалар қатига яширган экан. Ана шу кўрпаларнинг ерда ётганини кўрган аёлнинг хаёлига «Ўғрилар пулни топиб олишибди-да», деган ўй келди-ю, юраги ёмонлашиб, хушидан кетиб, йиқилди.

Абдуғаффор хожи эса хотиржам эди. У пиёлада сув келтириб, хотинининг юзига пуркаб,

хушига келтирди. «Ўзингизни қўлга олинг, онаси, кетса пул кетибди, жонимиз омон-ку, иннай-кейин, пулни олмаган бўлса керак, сабаби, молимнинг закотини ҳамиша ўз вақтида чиқариб, тийинигача қолдирмай тўлаб келганман, Аллоҳ закоти тўланган молни зое қилмайди», деб хотинига тасалли берди.

Аёл эса ҳамон ўзига келолмас, тинмай «Пул кўрпаларнинг орасида эди, ҳаммасини тит-питини чиқариб ташлашибди-ю, тополмасмиди?» деб зорланар эди. У ниҳоят ўзини қўлга олиб, ердаги кўрпаларни қатига йиға бошлади. Шу пайт бирининг орасидан «тўп» этиб «йўқотилган» пуллар тушди. Аллоҳнинг қудратини қарангки, пул дардида ҳамма ёқни кавлаб ташлаган ўғрилар кўзидан кўрпа орасига яширилган пул пинҳон қолибди.

Ҳамон хотиржамлигини йўқотмай турган Абдуғаффор хожи «Яратганга шукр», дея олди, холос.

«Ривоятлар китоби»дан олинди.

